2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 229 (1828), 2026 йил 5 ноябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# БУЮК ТАРИХДАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ВА МУҲТАШАМ ЛОЙИҲАЛАР ДАВРИГА ШИДДАТ БИЛАН ЮЗЛАШАЁТГАН БУХОРО

## Президентимиз Бухорога ташрифи доирасида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилиш ўтказди





Ўзбекистон етакчиси бугунги Бухорони буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзлашаётганини эътироф этди. Ушбу фикрни бухороликлар теран таҳлил этиб, унинг моҳиятидаги асл ҳаётий ҳақиқатларни фахр билан эътироф этмоқда. Чунки бу сўзлар замирида янги Ўзбекистоннинг қисқа муддатда яратилган катта тарихи ўз ифодасини топган. Кечагина Бухоро деганда, Қизилқум кенгликларидаги олис бир манзил тушунилларди. Бу олислик нафақат масофа, балки барча соҳадаги йиғилиб қолган долзарб масалалар билан ҳам боғлиқ эди.

Масалан, ҳудуднинг драйвер соҳаси бўлган туризм учун етарлича шароит йўқ эди. Ичимлик, умуман, сув билан боғлиқ масалалар йил сайин оғирлашиб бораётганди. Йўл, логистика инфратузилмаси қуйига қараб кетаётганди. Бундай вазиятда қадим кентлар шонли тарихидан узоқлашади, келажакка ишонч ҳам сўроқ остида қола бошлайди.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар вазиятни тубдан ўзгартирди. Бугун Бухоро иқтисодий қуввати ошиб, имконияти кенгайиб бораётган ҳудудга айланди. Муҳими, бу янгиланишлар бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Эришилган ютуқлар кечаги кун учун эди. Бугун ва эрта учун эса янада баланд марралар керак деган қатъий қарор билан олға интиляпмиз. Ташриф доирасида ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари, жумладан, бундай деди:

— Бухоро иқтисодиётига, одамларнинг кундалик ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирадиган 30 миллиард долларлик янги ташаббуслар билан келганмиз.

Ҳа, кузнинг файзли ва баракали кунларида бўлиб ўтган мазкур ташриф том маънода вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги саҳифа очиб берди. Буни Ўзбекистон етакчиси илгари сурган ҳаётбахш ташаббуслар тасдиқлайди. Биринчи навбатда, вилоят аҳли учун муҳим аҳамиятга эга сув масаласини айтиб ўтиш керак.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан 385 миллион долларлик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида сув ва канализация таъминоти яхшиланади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида яна 248 миллион долларлик инвестиция жалб қилиш назарда тутилган. Натижада вилоятнинг барча туман-шаҳаридаги 1,7 миллион кишининг сув таъминоти яхшиланади. Умуман, марказлашган сув таъминоти 95 фоизга етади.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ МИЛЛИЙ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси Рустами Эмомалини қабул қилди.**

Учрашув аввалида Мажлиси миллий Раиси давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, жумладан, икки мамлакат парламентлари ҳамкорлиги доирасида янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишлардаги ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш ҳажмлари ортиб бормоқда. Саноат, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қўшма Инвестиция компанияси самарали фаолият юритмоқда.

Пойтахтлар ва ҳудудлар ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни рағбатлантириш, маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Олий даражада эришилган келишувлар ва қўшма ташаббусларни илгари суришда қонунчилик органларининг ролини ошириш, бу борада парламентлараро комиссиялар, дўстлик гуруҳлари ҳамда соҳавий қўмиталар фаолиятини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон етакчиси Рустами Эмомалини икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, парламентлараро мулоқотни кенгайтириш борасидаги самарали фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофоти — “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлади.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.**

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект соҳасида хавфсизликни таъминлаш, унинг террористик ва экстремистик мақсадларда ишлатилишига қарши курашиш, янги технологик хатар ҳамда таҳдидларга жавоб қайтаришда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этади.

Ақаба жараёни 2015 йилда Подшоҳ Абдулла II томонидан илгари сурилган халқаро ташаббус бўлиб, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасида тажриба алмашиш ва қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, кластер ходимлари, дала меҳнаткашлари!

Сиз, азизларни Янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, рекорд натижага эришганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Албатта, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, жасорат ва матонатингиз билан қўлга киритилган бу тарихий ғалаба бутун халқимизнинг ғалабаси. Бу — пахтачилик соҳасидаги Янги Ўзбекистон мўъжизасидир.

Бу ютуқнинг ижодкори сизлар — азамат деҳқон ва фермерларимиз, моҳир агроном, сувчи, механизатор, олим ва мутахассисларимиз, кластер ходимлари десак, адолатли фикрни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Сизлар билан бутун халқимиз фахрланади, ғурурланади.

Айниқса, иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликлар янада кучайган жорий йилда пахта хомашёсини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, соҳанинг ички имкониятлари ҳисобидан юксак сифат билан йиғиб-териб олганингиз таҳсинга муносибдир.

Бу ҳақда гапирганда, беихтиёр пахтачилик эл-юртимизга манфаат эмас, балки азоб-уқубат ва охир-оқибатда “ўзбек иши” деган қуруқ туҳмат олиб келган оғир кунларни эслаймиз. “Ким эдигу ким бўлдик?” деган фикр албатта хаёлимиздан ўтади.

Чиндан ҳам собиқ совет даврида, хусусан, 1980-йилларда республикамизда пахта етиштириш учун қарийб 2 миллион гектар ер ажратилган, ўртача ҳосилдорлик эса 30 центнердан ошмас, натижада деҳқоннинг косаси оқармас эди.

Давоми 2-бетда

# ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини замон талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва маҳаллаларда барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳудудларда хавфсизлик инфратузилмаси кенгайтирилиб, 263 мингта таниб олувчи камера, 70 мингта замонавий домофон ва 22 мингта ташвиш тугмаси ўрнатилди. Ижтимоий профилактика чоралари орқали 2,1 миллион нафар шахснинг муаммолари манзилли ҳал этилди.

Натижада криминоген вазияти энг оғир бўлган 809 та маҳалланинг 701 таси ушбу тоифадан чиқарилди. Қарийб 4,4 мингта маҳалла “яшил” тоифада қолмоқда.

Шу билан бирга, жамиятдаги ўзгаришлар, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, кибержиноятчилик ва бошқа замонавий таҳдидлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Хусусан, 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга ўтган даврда 20 дан ортиқ ўзгартириш киритилган бўлса-да, унинг айрим нормалари бугунги талабларга жавоб бермай қолган.

Шу муносабат билан тақдимотда мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари янги қонун ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин чора кўришга асосланган ёндашувдан хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган проактив профилактика моделига ўтишни таъминлаши зарурлигини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

# ДРОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида учувчисиз авиация тизимларидан фойдаланишни кенгайтириш ва соҳани тартибга солишга доир тақдимот билан танишди.**

Бугунги кунда дунёда учувчисиз авиация технологиялари жадал ривожланиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, шаҳарсозлик ва хизмат кўрсатиш каби кўплаб соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Дронлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни қисқартириш, ресурсларни тежаш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим омилга айланмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида экин майдонларини кузатиш, уларга ишлов бериш ва ҳосилдорликни мониторинг қилиш, саноатда ишлаб чиқариш жараёнлари ва инфратузилма объектларининг ҳолатини назорат қилиш, шаҳарларда транспорт оқимини кузатиш ва кўчаларда ҳаракатни ташкил этишда ушбу технологиялардан фойдаланиш катта имкониятлар очади.

Маълумотларга кўра, глобал дрон бозори йилига 10-15 фоиз суръат билан ўсиб бормоқда. Ушбу технологияларни иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш мамлакатимизда ҳам иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, юқори малакали мутахассисларга талабни ошириш ва янги технологик йўналишларни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан тақдимотда Ўзбекистонда учувчисиз авиация тизимларидан фуқаролик мақсадларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, соҳада тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратишга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда

**Бухорода келаси йили 30 га яқин халқаро тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Бухоро бунга қанчалик тайёр, деган саволни ўртага қўяр экан, вилоятда беш юлдузли меҳмонхона йўқлиги, йирик савдо ва кўнгилочар масканлар етарли эмаслиги, мавжуд хизматларнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида жамланганига эътибор қаратди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 5 ноябрь, 229-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Мустақилликнинг дастлабки даврида, хусусан, 2000 йилга келиб 1,4 миллион гектар ерга чигит экилиб, Ўзбекистон бўйича жами 3 миллион тонна пахта териб олинган.

Биз кейинги йилларда тармоқни ўта оғир аҳволдан олиб чиқиш учун, аввало, чигит экиладиган майдонларни 38 фоизга қисқартириб, пахта монополиясига барҳам бердик. Ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларни, бюджет ташкилотлари ходимларини дала ишларига жалб этишга чек қўйдик. Соҳани илм-фан ютуқлари, замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантиришга устувор аҳамият қаратдик. Бошда бунга ишонмасдан, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи, бу йилги натижаларимиз яққол тасдиқламоқда.

Ўтган даврда пахтачиликда ҳосилдорлик 2,7 карра ошиб, 21 центнердан 56 центнерга етгани бу борада қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни кўрсатиб турибди.

Сув тежовчи технологияларни кенг жорий этганимиз ҳисобидан сув сарфи 1990-йилларга нисбатан 2 карра камайиб, ҳар бир куб метр сув эвазига олинаётган ҳосил миқдори ошиб бораётгани биз учун ғоят муҳимдир.

Бу йил экиш схемалари ўзгартирилиб, кўчатлар сони 2-3 карра оширилгани, кўсак қурти ва гербицидга чидамли янги биотехнологик навлар жойлаштирилгани ҳам ўзини оқлади. Бу ўзгаришларнинг амалий самарасини қарийб 400 минг гектар ерда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерга етгани, салкам 70 минг гектарда 100-110 центнергача ҳосил олингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ютуқлар қаторида 1 мингга яқин фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртача 100 центнерлик ва ундан ҳам юқори марраларни забт этганлари алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда сўз юритганда, 4 мингдан зиёд фермерларимиз ҳосилдорликни ўртача 60-70 центнердан, 2,5 минг нафари эса 80 центнердан оширгани, айниқса, Пахтакор туманидаги Анорбой Эшматов ва Жарқўрғон туманидаги Улуғбек Сўпиев ҳар гектар ердан 110 центнердан ҳосил олишганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мингбулоқ туманидаги “Бургут полвон”, Навбаҳор туманидаги “Яҳё бобо”, Боёвут туманидаги “Боёвутлик Ҳумоюн”, Бекобод туманидаги “Отабек Зилола”, Оққўрғон туманидаги “Мурод”, Гурлан туманидаги “Ихлосбек”, Ҳазорасп туманидаги “Якуб Анназар” ҳамда Тупроққалъа туманидаги “Гулчарос Муниса” фермер хўжаликлари ҳам ҳосилдорликни 100 центнердан оширдилар.

Жиззах, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳосилдорлик 60 центнердан кўпроқни ташкил этгани ҳам пахтачилигимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади.

Ўта оғир экологик ҳудудда ҳосилдорликни ўтган йилларга нисбатан 10-15 центнерга ошириб, 400 минг тоннадан ортиқ хирмон бунёд этган Қорақалпоғистон пахтакорларини чин қалбдан қутлашдан мамнунман.

Ҳосилдорликни 70 центнердан оширган Мирзаобод ва Ховос туманлари, 55-70 центнерга етказган Мирзачўл, Пахтакор, Қизилтепа, Учқўрғон ва Пешку, Жалақудуқ, Вобкент, Жондор, Ромитан, Олот, Арнасой, Тўрақўрғон, Уйчи, Боғот, Хонқа, Ҳазорасп, Жарқўрғон ва Янгибозор, Амударё, Балиқчи, Марҳамат, Пахтаобод, Дўстлик, Кўкдала, Навбаҳор, Мингбулоқ, Чортоқ, Пахтачи, Каттақўрғон, Қумқўрғон, Боёвут, Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Пискент, Юқори Чирчиқ, Бағдод, Қува, Гурлан ва Қўшкўпир туманлари меҳнаткашлари бошқаларга намуна бўлдилар.

Энг катта — 110 минг тонналик хирмон барпо этган Косон, шунингдек, Миришкор (105 минг), Касби (95 минг), Нишон (90 минг), Мирзачўл (85 минг), Мирзаобод (81 минг), Дўстлик (77 минг), Амударё (76 минг), Оқолтин (72 минг), Пастдарғом (71 минг), Пахтакор (68 минг), Мингбулоқ ва Қуйи Чирчиқ (62 минг тоннадан), Боёвут ва Жондор (60 минг тоннадан), Бекобод (58 минг), Гурлан ва Ромитан (57 минг тоннадан), Вобкент ва Каттақўрғон (56 минг тоннадан), Хонқа (52 минг тонна) каби туманлар ҳам илғорлар сафидан муносиб жой эгаллади.

Биз оқила, ташкилотчи аёлларимиз раҳбарлик қилаётган Олот ва Бўстон туманларида ҳосилдорлик ўртача 55-60 центнерга етказилганини алоҳида қадрлаймиз.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 85 фоизи 3 мингдан ортиқ пахта териш машиналари ёрдамида 30-35 кунда териб олингани, механизациялаштириш даражаси Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 100 фоизга етказилгани, бошқа ҳудудларимиз ҳам шу маррага яқинлашиб келаётгани одамларни оғир меҳнатдан халос этиш йўлидаги ислоҳотларимизнинг муҳим натижасидир.

Пахтачилик кенгаши ташкил этилгани, олимларимиз томонидан ноанъанавий технологиялар қўлланилгани ҳамда рақамлаштириш, дронлардан фойдаланиш орқали сарф-харажат икки баробар камайтирилгани ҳам бу йилги ютуқларни таъминлашда асосий омил бўлди. Шулар қаторида давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилгани, тўлов интизоми яхшиланиб, субсидиялаш такомиллаштирилгани, суғурта тизими яратилгани, бир сўз билан айтганда, тармоқда тизим бутунлай янгиланган юқори натижаларга эришишда салмоқли роль ўйнади.

Шу ўринда яна бир муҳим рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман: бу йил фермерларимиз пахтадан 13-14 триллион сўм соф фойда олиши кутилмоқда. Шу асосда улар йил бўйи қилган машаққатли меҳнати эвазига муносиб даромад топиши, одамларимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши табиийдир.

Албатта, ана шундай улкан натижаларни таъминлашда қишлоқ хўжалиги ривожига қаратаётган доимий эътиборимиз, деҳқон ва фермерлар, кластерлар, умуман, далада ишлаётган ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, эртанги кунга ишончи ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стратегик йўлимизни амалга оширишда биз, аввало, сизларга, агротармоқда фаолият кўрсатаётган 3,5 миллион нафардан зиёд миришкорларга таянамиз. Сизлар учун яна қандай қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш керак бўлса, барчасини таъминлаб беришга тайёрмиз.

**Қишлоқ хўжалигининг юксак ва барқарор тараққиёти — бутун мамлакатимизнинг юксак ва барқарор тараққиётида устувор ўрин тутадиган омилдир.**

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро пахта кунига бағишланган анжуманда 30 дан зиёд мамлакатдан келган олим ва мутахассислар биз эришаётган ютуқларни эътироф этиб, Бутунжаҳон пахтачилик марказини айнан Ўзбекистонда ташкил этиш бўйича таклиф билдиришгани албатта бежиз эмас.

Келгуси йилда серҳосил уруғлик навларидан фойдаланиш, агродрон орқали ишлов бериш, сув ва энергия тежовчи технологиялар, сунъий интеллектни қўллаш бўйича сизларга янада кўпроқ шароитлар яратиб, пахтадан ўртача ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказишни мақсад қилиб қўйдик. Ана шундай долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этишда фермерларимиз ва кластер ходимлари олимлар, муҳандис ва мутахассислар билан биргаликда янада катта куч-ғайрат билан меҳнат қиладилар, деб ишонаман.

**“Ўз” деган эзгу ғоямиз замирида мужассам бўлган ўз ишимиз, ўз сўзимиз, ўз ғалабамизга ишонч руҳи билан олға қараб боришдан ҳеч қачон тўхтамаймиз!**

Ўзбекистон пахтачилигида янги тарих яратаётган сиз, азизларни бугунги зафар байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик, бахт ва фаровонлик тилайман.

Ҳимматингизга, қудратингизга балли, заҳматкаш ва фидойи юртдошларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# БУЮК ТАРИХДАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ВА МУҲТАШАМ ЛОЙИҲАЛАР ДАВРИГА ШИДДАТ БИЛАН ЮЗЛАШАЁТГАН БУХОРО

Бошланиши 1-бетда

Бу йил вилоятдан ўтган А-380 йўлининг реконструкцияси якунланади. Келаси йили М-37 йўлининг Бухородан ўтадиган 69 километрли қисмида ҳам реконструкция ишлари бошланади. Лойиҳа доирасида Бухоро шаҳри атрофида 4,5 километрли айланма йўл қурилади. Айни жиҳат иқтисодий қуввати ошиб бораётган вилоятнинг логистика имкониятларини яхшилашга хизмат қилади.

Бунга қўшимча равишда Самарқанд — Бухоро йўналишида цемент-бетон қопламали замонавий пулли йўл қурилиши эълон қилинди. Ушбу мегалойиҳа ҳисобига Самарқанддан Бухорога етиб бориш вақти 5 соатдан 1,5 соатга қисқаради. Айни йўналишда тезюрар поезд учун янги линия қуриш ҳам режалаштирилган.

Қадимда Бухорога дунёнинг турли бурчакларидан карвонлар келган. Ўша замонларда улар ўз йўлини ўзи очиб кетаверган. Шу боис, қатновга қулай манзиллар тез ривожланган. Бугун эса мамлакатлар иқтисодий жозибадорликни ошириш учун, аввало, логистика имкониятини кенгайтириши керак. Бу борада Бухорода ҳам тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, халқаро стандартлар асосида “Янги Бухоро” аэропорти қурилади. Лойиҳа қиймати 300 миллион долларлик аэропорт бир вақтнинг ўзида 20 та самолёт ва 1200 йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади. Бухоро шаҳри марказидан ушбу аэропортгача 24 километрли йўл, автобуслар учун 5,5 километрли “BRT” йўлаги барпо этилади.

Бухорога Туркиянинг “Pegasus” авиакомпанияси тўғридан тўғри рейсларни йўлга қўймоқда. Келаси йили Малайзия, Индонезия, Кувайт, Миср ва Баҳрайн билан ҳам авиақатновларни бошлаш белгиланди. Мана шунинг ўзиёқ “Янги Бухоро” аэропорти лойиҳасининг ҳаётий зарурати ва ушбу туристик қулайликлар ҳисобига вилоят иқтисодиёти, бухороликлар ҳаётига олиб келадиган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Йиғилишда янги йўллар ва аэропорт билан бирга вилоят ичида ҳаракатланиш қулайлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бинобарин, жорий йилда йўллар ҳолатини яхшилаш учун 900 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, 2000 километр ички йўл ва 266 та кўприк таъмирталаб экани қайд этилди. Уларни янгилаш ва эксплуатация қилишга хусусий инвестицияни жалб этиш, асосий сайёҳлик йўналишларини боғлайдиган муқобил пулли йўллар қуриш имкониятларини ўрганиш вазифаси топширилди.

Жамоат транспорти борасида ҳам муаммолар бор. Жумладан, айни йўналиш бўйича таклиф етарлича ривожланмагани сабаб аҳолининг 80 фоизи кундалик қатновда енгил автомобилдан фойдаланмоқда. Бу жиҳат одамларнинг ортиқча харажатига сабаб бўлиш билан бирга йўлларда тирбандлик ҳосил қилиб, экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, вилоятга қўшимча 120 та замонавий автобус келтириш жараёни жадаллаштирилади.

Аэропорт ва темир йўл вокзаллари атрофида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, кўкаламзорлаштиришда эса Бухоронинг иқлими ва тарихий қиёфасига мос ягона ёндашувни қўллаш вазифалари белгиланди.

Туризм вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан. Жорий йилда Бухорога 3,5 миллион хорижлик сайёҳ келиши кутилмоқда. Мазкур кўрсаткични икки баравар ошириш, туристларнинг вилоятда қолиш муддатини узайтириш ва туризм мавсумини йилнинг бошқа ойларига ҳам кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Айни мақсадда Эски шаҳар, Етти пир, Чор Бакр, Пойкент, Варахша, Вардонзе каби тарихий мажмуалар ягона концепцияга боғланади. Бунда Бухоро шаҳридаги йирик туризм маркази муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, халқаро тадбирларга мўлжалланган конгресс-холл ҳамда “Hilton” ва “Holiday Inn” брендлари остида меҳмонхоналар қурилаётгани ҳам вилоятнинг туризм салоҳиятини ошириши шубҳасиз.

Қолаверса, шаҳарнинг саккизта марказий кўчаси янгиланиб, олтита хиёбон барпо этилади. Бухоро туманида эса минг гектар майдонда 500 миллион долларлик туризм кластери ташкил этилади. Мазкур йўналишдаги бу каби бунёдкорлик ишларининг барчаси туризм инфратузилмасини ривожлантириш билан бирга минглаб оилага барқарор иш ўрни, юқори даромад, демакки, хотиржамлик, фаровонлик олиб киради.

Бухорода келаси йили 30 га яқин халқаро тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Бухоро бунга қанчалик тайёр деган саволни ўртага қўяр экан, вилоятда беш юлдузли меҳмонхона йўқлиги, йирик савдо ва кўнгилочар масканлар етарли эмаслиги, мавжуд хизматларнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида жамланганига эътибор қаратди. Шунинг учун масъулларга хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллионга етказиш бўйича ойма-ой режа тайёрлаш вазифаси топширилди. Унда янги турпакетлар, тадбирлар, туманларда очиладиган объектлар ва сайёҳлар жалб қилинадиган бозорлар аниқ кўрсатилиши лозим.

Вилоятда қазилма бойликлар бўйича катта захира ва имкониятлар бор. Бундан самарали фойдаланиб, янги захиралар иқтисодий қийматга айлантирилади. Бундай эзгу ташаббуслар самарасини Бухоро аҳолиси ЎЗ ҳаётида, ЎЗ даромадида, турмуш фаровонлигида ҳис қилиши зарурлиги қайд этилди.

Бу йил Бухоро иқтисодиёти илк бор 100 триллион сўмлик маррадан ошади. Буни бухороликларнинг бугунидан рози бўлиб яшашида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтказилган сўровда вилоят аҳолининг 98 фоизи сўнгги йилларда ҳаёти сифати яхшиланганини айтган.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш, аҳоли даромадини ошириш борасидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, ҳудудда иқтисодий ўсиш табиий ресурслар саноати ва қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларнинг иқтисодиётдаги улуши 43 фоиз, хизматлар соҳаси улуши эса ўн йилда атиги 33 фоиздан 36 фоизга ошган.

Президентимиз иқтисодиётни диверсификация қилиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва ҳар бир туманнинг ўсиш нуқталарини аниқлашни талаб қилди. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткичларни 1,5 баравар ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилади.

Саноат соҳасида Бухоронинг хомашё, энергия ресурслари ва тадбиркорлик салоҳиятини бирлаштириб, уч йилда 28 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш имконияти борлиги таъкидланди. Шундан 17 миллиард доллари нефть-газ ва кимё саноатига тўғри келади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қувватларини оширишга нуфузли технологик компанияларни жалб этиш, Когон туманида эса нефть-кимё илмий-саноат кластерини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қайта тикланувчи энергетика тизими барқарор ривожланмоқда. Бунда, шубҳасиз, Бухоро вилоятидаги бунёдкорлик лойиҳаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан, ҳудудда қисқа муддатда қарийб 2000 мегаватт қувватли электр станциялари ишга туширилган. Келгуси уч йилда яна 3100 мегаваттли шамол электр станциялари ва 1000 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари қурилади.

Бу ерда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим бир жиҳат бор: янги қувватлар билан бир вақтда узатиш ва тақсимлаш инфратузилмаси ривожлантирилади, 745 километр электр тармоғи тортилади.

Йиғилишда вилоят енгил саноатини ривожлантириш масаласи кўрилди. Айни мақсад йўлида Бухорода ишлаб чиқариладиган тўқимачилик маҳсулотларини ташқи бозорларга кенгроқ олиб чиқиш, бунда халқаро брендлар билан ҳамкорлик тажрибасидан фойдаланиш вазифаси белгиланди. Келаси йили соҳада камида 1 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва экспортни икки баробар ошириш кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳадаги ишлар кўриб чиқилар экан, хусусий боғча ва мактабларни кўпайтириш, мактаб битирувчиларининг ярмини техникумларга жалб этиш, техникумларни йирик тадбиркорлар ва инвесторлар билан боғлаш масалалари муҳокама қилинди. Вилоятдаги ўнта давлат ва хусусий олий таълим муассасасида дуал таълим қамрови икки баробар ошириладиган бўлди.

Бу йил вилоятда 29 та шифохона ва поликлиника янгиланди. Мамлакатимиз етакчиси тиббий хизмат сифатини, айниқса, бирламчи бўғин фаолиятини яхшилаш, соҳага инвестиция жалб этиш ва хорижда тажриба орттирган ватандошлар имкониятидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботи ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалари тингланди.

Президентимиз ўз ҳудудини комплекс ривожлантиришда Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова алоҳида жонбозлик кўрсатаётганини эътироф этиб, давлат ва бошқарув идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, янги иш ўринларини очиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлидаги хизматлари учун уни “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлашга қарор қилганини эълон қилди. Бу ҳам инсон қадри улуғланиб, меҳнати муносиб тақдирланаётганидан далолат. Айнан мана шундай ёндашувлар жамланиб, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг ҳаракатга келтирувчи кучини ташкил этади.

Вилоят бутун мамлакатдаги барқарор иқтисодий юксалиш, ижтимоий бирдамликнинг локомотивига муносиб ҳисса қўшаётган ҳудудлардан. Ўзбекистон етакчисининг вилоятга ташрифи ана шу кучга янада юксак суръат берадиган янги ташаббуслар, йирик иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларга бой бўлди.

Бухорони ишлов берилаётган зумрадга ўхшатган эдик. Бу қадим кентнинг уста заргарлари яхши билади: зумрадга қанча моҳирлик билан ишлов берилса, қиймати ўн каррагача ошади. Ўтган йиллар давомида вилоятнинг иқтисодий имкониятлари ҳам ўн карра ошди. Бошланган янги лойиҳалар ва илгари сурилган ташаббуслар эса бу қийматни янада ошириши, ҳудудни бебаҳо жавоҳирга айлантириши шубҳасиз!

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

# ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан 14 та давлат идораси шуғулланаётган бўлса-да, уларнинг вазифалари айрим ҳолларда такрорланмоқда, ваколатлари аниқ чегараланмаган. Тақдимотда профилактика субъектлари доирасини яна 7 тага кенгайтириш таклиф қилинди.

Президентимиз бу таклифнинг мақсадга мувофиқлигини аниқ асослаш, энг аввало, ҳар бир идоранинг вазифаси, ваколати ва жавобгарлигини белгилаш, улар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш муҳимлигини қайд этди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси комиссиясининг ваколатларини қонун даражасида белгилаш назарда тутилмоқда. Бунда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасида илк бор профилактиканинг янги йўналишларини белгилаш, хусусан, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар, кибержиноятчилик, уюшган жиноятчилик, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда превентив чораларни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қолаверса, ижтимоий ва виктимологик профилактика механизмларини такомиллаштириш, таълим муассасаларини профилактика тадбирлари билан кенг қамраб олиш, жиноятдан жабрланган фуқароларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича янги нормалар илгари сурилди.

Бунда жиноятдан жабрланганлар ва гувоҳларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига таҳдид юзага келганда уларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда кўмаклашган фуқароларни рағбатлантириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш юзасидан мажбурий профилактик кўрсатма беришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Тақдимотда криминоген вазиятни баҳолаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, ҳозирги баҳолаш усуллари асосан статистик маълумотларга таянади. Жиноятчиликка таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар етарлича таҳлил қилинмайди, мавжуд ахборот тизимлари ўзаро тўлиқ интеграциялашмаган.

Шу боис, криминоген вазиятни баҳолашнинг янги моделини жорий этиш таклиф қилинди. Унга кўра, илк бор аҳолининг хавфсизлик ҳисси ва яширин жиноятчилик кўрсаткичларини ҳам инобатга оладиган “криминоген барқарорлик индекси”ни шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун давлат идораларининг ахборот ресурсларини бирлаштирадиган ягона криминоген маълумотлар платформасини ишга тушириш, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида жиноятчилик хавфларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, криминоген хариталарни шакллантириш режалаштирилмоқда.

Мазкур механизмлар орқали ҳудуд ва маҳаллалардаги криминоген вазият мунтазам баҳоланиб, хавф даражасига қараб манзилли профилактика чоралари белгиланади. Масъул идоралар фаолияти натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади, муаммоларни ҳал этиш юзасидан таъсирчан назорат ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, барча масъул идоралар, маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятига асосланиши кераклигини таъкидлади.

Ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқаролар осойишталигини ишончли таъминлаш устувор вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Тақдимот якунида мутасаддиларга қонун лойиҳасини билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида такомиллаштириш, профилактика субъектларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, рақамли таҳлил ва мониторинг механизмларини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Криминоген вазиятни баҳолашнинг янги моделини жорий этишни назарда тутувчи фармон имзоланди.

ЎзА

# ДРОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, учувчисиз авиациядан фойдаланишни кенгайтириш парвозлар хавфсизлиги ва фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлайдиган замонавий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бугунги кунда дронлардан фойдаланишнинг ягона қоидалари, уларни ҳисобга олиш ва парвозларни мувофиқлаштириш, етказилган зарарни қоплаш ҳамда суғурталаш механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Шу мақсадда учувчисиз авиация воситалари ҳақидаги маълумотларни бирлаштирувчи ягона рақамли ахборот тизимини шакллантириш, парвоз ҳудудларини аниқ белгилаш ва улардан фойдаланиш тартибларини жорий этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Тақдимотда ушбу янги йўналиш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва инновацион экотизимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, келгуси ўқув йилидан Транспорт университетида учувчисиз авиация тизимлари бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, таълимни амалий машғулотлар билан уйғунлаштириш, ёшларнинг замонавий авиация технологияларига қизиқишини қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга илғор хорижий тажриба асосида учувчисиз авиация тизимларини иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 5 ноябрь, 229-сон

Вақт ўтди. Бўларкан-ку, ҳозир биз ана шу тиббиёти ривожланганлар даражасидамиз. Дарвоқе, ўрни келганда айтай, ҳозир Термиздаги тиббиёт олийгоҳида чет элдан келган 200 дан ортиқ талаба таҳсил оляпти.



Буюк ўзбек йўли






# БУГУНГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ШУКРОНАЛИК НИГОҲИ БИЛАН КЎРАЙЛИК!



**Раҳмон МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**тиббиёт фанлари доктори,**
**профессор**

**Касбим тақозоси билан эллик йилдан буён юрт кезаман. Вилоятларда бўламан. Борган манзилларимни беихтиёр бошқалари билан қиёслайман. Ватанимизнинг кечаги куни билан бугунини таққослайман.**

Кўз шифокориман. Фаолиятим давомида минглаб кўзларга тикилиб, уларга даво қидиргандирман, шифо улашгандирман, умид чироқларини ёққандирман. Образли қилиб айтганда, кўзлар билан сўзлашганларданман. Зеро, офтальмолог учун ҳар бир кўз — алоҳида бир тақдир.

Аслида, бу менинг профессионал ишим — тақдирим. Шунга ўқидим, ўргандим, тажриба орттирдим. Бугун ўз тажрибамни ёшларга ўргатяпман. Хориж сафарларидан қайтиб, юртимиз заминига қадам қўйганимдан кўнглим ёришади. Қалбим ўзгача туйғуни туяди. Боиси, Ватанимизда мени кўзида шукронаси бор инсонлар кутиб олади. Бу шукрона ўз-ўзидан, нотабиий келмайди, кўнгилдан чиқади. Зеро, кўзлар алдамайди.

Тиббиёт олийгоҳини тугатиб, бир муддат қишлоқ амбулаториясида, сўнг Денов туманидаги тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонада ишлай бошладим.

Шифохонадаги ишларим яхшиланиб боргани сари мени ҳурмат қиладиган, яхши кўрадиганлар сони қанчалик кўп бўлса, ёмон кўрадиганлар ҳам шунчалик кўпайиб, тобора ортиб борарди. Дунёнинг бу сиру синоатини ечишга инсон ожизлик қилади. Қилган хизматларингиз, илмий устунлигингиз айрим кишилар қалбида фақат ҳасад ўтини ёқаркан.

Давлатлар ҳам худди шундай.

Юрт тинимсиз тараққиёт сари юзлана бораркан, унга ҳавас қиладиганлар қатори ҳасад қилгувчилар ҳам топилаверади. Бу ҳақда кейинроқ яна тўхталармиз.

Ҳозир эса яқин тарихимизга бир қур назар ташласак. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди. Қишлоқ амбулаториясида ишлаганимда атиги икки хонали бино бўларди. Ташландиқ кулбачага ўхшаш бу жой на тиббий жиҳоз, на мутахассис, на хоналардан ёлчиганди. Айтсам ишонаверинг, касал ўтирса, шифокорга жой йўқ, шифокор ўтирса, бемор тик туришга мажбур эди.

Бу ҳолатни яқинда Президентимиз билан Кўксарой қароргоҳида тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашув чоғида ҳам айтдим.

Чиндан ҳам инсон қадрини таъминлаш учун қандай шароит керак дейдиган ҳозиргидек давлат бормиди у пайтларда?! Вилоят ва туман марказидаги мутасаддиларнинг қош-қовоғига қараб, идорасига қатнай-қатнай, икки хонали амбулатория ўрнига саккиз хонали бино қурдирдик.

Туман бирлашмасида бош шифокор бўлиб ишлай бошладим. Вилоятдаги энг аҳолиси кўп туман — Денов тиббиёти учун алмисоқдан қолган атиги 4 та автомашина бириктирилган бўлиб, ундан иккитаси яроқсиз, яроқлиларида ҳам махсус алоқа воситалари ва зарур жиҳозлар йўқ эди. Қизиғи, бемор олдига бориш учун машинага ёнилғини ким қуяди деган савол бериларди. Ҳозир айтишга ҳам бир оз тортинсак-да, айтақолай, ҳатто тез ёрдам чақирган беморнинг уйига борсак, 3-4 литр бензинга пул берармикан деб қўлига сарғайиб қараб турган кунлар ҳам кўп бўлган.

Юқорига дардингизни айтсангиз, гап айланиб, бошингизга калтак бўлиб тушадиган замонлар эди. Лекин виждонга содиқ қолсангиз, ҳаммасига эришаркансиз.

Ўша замоннинг куйди-ёндисига ўзимнинг фаолиятимдан кўп мисоллар келтирсам, ранжимассиз. Чунки шу орқали кеча ва бугунни таққослаш имкони бўлади-да. Хуллас, туман амбулаториясида ишлаб юрибмиз. Аста-секин асоссиз ёзди-чиздилар бошланди. Текширишга келганларга асосли иддаоларнинг қизиғи йўқ. Очиқлик, шаффофлик ва ҳақ гапни эшитувчи идора анқонинг уруғи эди ўша кезлар. Ҳозир-чи?..

Давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси ортидан бугунга келиб, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа чинакам хизмат қиладиган бўлди.

Ўша йиллари шифокорлар орасидан икки нафари депутатликка номзодини қўя бошлади. Ажабланарлиси, уларнинг ким экани бировни қизиқтирмас, номзодларни, асосан, ҳокимлик вакиллари қўллаб-қувватларди. Бугунгидек биров аралаша олмайдиган халқчил ва шаффоф сайлов комиссияси қайда эди дейсиз?!

Ўз ишини виждонан бажармаганларга йўл бўлсин, ана соя остида юрган кўплаб соҳа фидойилари бор-ку десангиз, биров эшитмайди. Ёзув-чизувлардан, сайловлардаги қатор ноҳақликлардан кейин олдимга катта мақсадлар қўйдим. Янада кучли бўлдим. Ҳолатлар курашга даъват этди.

Сайлов — мардлар майдони. Халқ депутатлари вилоят кенгаши ва Олий Мажлисга депутатликка номзодимни қўйдим. Элни алдаб бўлмайди. Эл билади. Сайландим. Ўшанда Шўрчидан Деновга қараб кетяпман. Машина рулида ўғлим ўтирибди, мен эса орқа ўриндиқда. Шўрчидан Деновгача кўзимдан ёш отилиб бордим. Ўғлим мени кўриб: “Дада, нимага йиғлайсиз?! Ахир ютиб чиқдингиз-ку”, дейди. Менинг эса гапиришга тилим айланмайди, хурсандчилик ва севинч ёшларимни тўхтата олмайман. Негаки, адолат барибир ғалаба қозонишини ҳаётнинг ўзи исботлаганди.

Узоқ йиллар Афғонистоннинг Кобул ва Мозори Шариф, Покистоннинг Карачи, Лаҳор ва бошқа ўнлаб шаҳарларида беморларни даволадим. Франциянинг Париж шаҳридаги миллий офтальмология марказида, АҚШда тажриба алмашув амалиётини ўтадим. Термиз шаҳридаги кўз касалликлари диспансерида узоқ йиллар раҳбарлик қилиб, Англия, Япония, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Малайзия, Франция ва АҚШ каби қатор давлатлар мутахассислари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйдим. Дунёнинг йирик шаҳарларида бўлиб ўтган илмий анжуман ва қурултойларда кўз касалликларини ташхислаш ва микрожарроҳлик йўли билан даволашнинг ўзим кашф этган янги усуллари ҳақида маърузалар қилдим.

Шу йилларда юрагимни кемирган савол бундай бўларди: қачон бизнинг тиббиётимиз ҳам ривожланган давлатлар тиббиёти даражасига чиқади?

Вақт ўтди. Бўларкан-ку, ҳозир биз ана шу тиббиёти ривожланганлар даражасидамиз. Дарвоқе, ўрни келганда айтай, ҳозир Термиздаги тиббиёт олийгоҳида чет элдан келган 200 дан ортиқ талаба таҳсил оляпти.

Ваҳоланки, аввалларига хорижда менинг маърузам қанчалик долзарб бўлмасин, тиббиётимиз улардагидек эмаслиги боис ҳам эътибор суст бўларди. Бугун эса дунёнинг турли бурчакларида давлатимизни таништириб, минбарга чиқиб борарканман, энг яхши мутахассислар ҳам бизни тинглаётганининг гувоҳи бўляпман. Мана ривожланишнинг амалий ифодаси. Мана янгиланиш меваси, ислоҳотлар самараси.



Мутахассис сифатида айтаман: бугун янги Ўзбекистон тиббиётидаги ўзгаришлар қамрови жуда улкан. Жаҳон айланганман, биламан: дунё стандартлари даражасидаги тиббий ускуналар нафақат вилоятлар марказида, балки туманларда ҳам мавжуд. Аввалларига туманда ишлаганимда бир ҳолат бўлган. Туман шифохонасига битта магнит резонансли томография ускунасини олиш учун ўн йил вилоят ва республика соғлиқни сақлаш масъуллари билан курашганман. Ололмаганман. “Фалон пул туради”, дейишган. Бугун битта туманда нафақат давлат тиббиёт муассасасида, балки хусусий тиббий секторда ҳам кўплаб шундай ускуналарни истаганингизча учратасиз. Энди янгилик бўлмай қолган. Хўш, ўшанда қизғанилган пул инсоннинг қадри, саломатлигидан устун турармиди?!

Бугун вазият тамомила бошқача. Ишлар кўлами кенг. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бўлакча. Буни давлатимиз раҳбари ҳам ўша учрашувда алоҳида қайд этиб, “Оиласининг бахтини кўриш, ҳалол меҳнат қилиб, орзуларига етиш, умрини мазмунли ўтказиш учун одамга, аввало, соғлиқ керак. Шу боис, инсон саломатлигини асрашни ислоҳотларимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганмиз”, дея таъкидлади.

Мен ҳамон битта нарсага тушунмайман. Нега шу пайтгача Ўзбекистонда трансплантация амалиётига рухсат берилмаган? Бундан ким манфаатдор эди? Мана, ниҳоят, янги давримизда бу амалиётга ҳам рухсат тегди. Осмон узилиб, ерга тушгани йўқ. Қайтанга ҳаммаси яхши бўлиб бормоқда. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, у пайтларда бечора одамлар юрак ва буйрак алмаштириш учун минглаб доллар маблағини кўтариб, хорижий давлатлар сари кетарди. Ҳозир ўзимизда — вилоят марказлари тугул, туманда ҳам шундай мураккаб жарроҳлик амалиёти самарали ўтказиляпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йили ташкил этилган Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалида таҳсил олиб чиққан биринчи қалдирғоч мутахассислар — шогирдларим, маҳаллий ёш шифокорлар томонидан Термиз шаҳрида яқинда очилган замонавий тиббиёт кластерида мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказиляпти. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилади.

Аждодларим ҳозирги Узун тумани Боботоғ ҳудудида яшаб ўтган. Отам Омон бобо қирқ тўрт йил Боботоғдаги мактабда она тили ва адабиётидан дарс берган, мактаб директори бўлиб ишлаган. Ўша кезлари соғлиқни тиклаш, бозорлик қилиш ёки бошқа юмушлар учун туман марказигача узоқ йўл босиб, от-уловда эниб келинарди. Ҳозир ўзим туғилган ўша тоғли Чагам қишлоғига борганимда, равон йўлларни, кечаю кундуз ўчмайдиган тунги чироқларни, замонавий мактаб ва тиббиёт маскани-ни, асосийси, одамларнинг шукронасини кўриб, яйрайман, хурсанд бўламан.

Бу ўз-ўзидан бўлган эмас, давлатимиз раҳбарининг катта сиёсий иродаси билан бўляпти дейман чагамликларга. Тўғри-да, мамлакатимиз етакчиси инсон қадрини улуғламаса, соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратмаса, бундай ўзгаришлар қайда эди?!

Эътибор қилинг: сўнгги ўн йилда юртимизда 10 миллион кишига хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ва шифохоналар ишга туширилиб, 58 минг шифо ўрни очилди. Замонавий муассасалар кўпайиши ва хусусий сектор ривожланиши натижасида тиббий хизматлар ҳажми уч карра ошди. Боя айтганимдек, илгари фақат чет элда бажарилган туғма юрак нуқсонларини даволаш, аъзолар трансплантацияси, робот жарроҳлиги ва бош миядаги мураккаб амалиётлар каби юздан зиёд хизмат бугун мамлакатимизда кўрсатилмоқда.

Одамзод яхшиликка тез кўникади. Бир-икки марта “Бўларкан-ку!” деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Дориламон кунларнинг қадри кейин билинади. Шу маънода, азиз юртимиздаги бундай кунлар дунё тургунича турсин дегим келади.

Хорижда ўқиб юрган пайтларимда миопия хасталигининг хирургик усулини, яъни одам мурдасининг кўз қобиғини беморнинг юпқалашган кўз олмаси қобиғига тўрт тарафдан тикиб мустаҳкамлаш операцияси ўтказилганини кўргандим. Бу жараённи пухта ўрганиб, тажрибамни оширишга ҳаракат қилдим. Кейинчалик бу операцияни яхши бажарадиган бўлдим. Илгари хорижда мурда тўқимасини муаммолорсиз олардик. Кейинчалик бу ҳолат чекланиб қолди. Айрим қонунлар мурда тўқимасини ишлатиш мумкин эмаслигини кўрсатиб, имкониятларимизни чегаралаб қўйди.

Адабиётларни ўқиб-ўрганиб, қўй юрак пардасининг морфологик тузилиши одам кўз қобиғи (склера) тузилишига ўхшаш эканини билиб қолдим ва шогирдим Ўктам Сайдалиев билан қўй юрак пардасини олиб, кейинчалик эса қуён кўз органларидан беморларнинг хаста кўзини даволашда фойдалана бошладик. Бу эса жуда яхши клиник натижа берди. Беморлар ҳам хурсанд, биз ҳам мамнун эдик.

Аниқроқ тушунтирсам, биз дунёда биринчи бўлиб мурда тўқимаси аллопланг ўрнига қўйинг юрак пардасидан кўз касалликларини даволашда қўллаш учун ксенотрансплантат яратгандик. Бу иш ўша пайтларда янги имкониятларни излаш нуқтаи назаридан офтальмохирургияда катта аҳамиятга эга эди.

Тасаввур қилинг: инсон кўриш қобилиятини йўқотиш хавфи билан юзма-юз турибди. Шифокор эса мавжуд имкониятлар билан чекланиб қолмайди. У “Яна қандай йўл бор?” деган саволни ўзига беради. Илмнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ана шу саволда. Янги ечим излаш, янги имконият яратиш — бемор учун умид эшигини яна бир бор очишда гап кўп.

2002 йили Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган жаҳон соғлиқни сақлаш кўргазмасида мазкур ксенотрансплантатнинг намойиш этилгани Ўзбекистон тиббиётининг илмий салоҳиятини халқаро майдонда танитишга хизмат қилди. Кейинчалик ушбу даволаш усули ва ихтиро турли давлатлар офтальмологларига ютуқ сифатида намойиш этиб борилди.

Аммо у пайтлари фанда бирор янгилик қилсангиз, қилганингизга пушаймон бўлардингиз. Ҳар хил идораларга чақиришлар, сўроқлар, тақиқларга дуч келардингиз. Ҳозиргидек давлат томонидан қўллаб-қувватловни тушимизда ҳам кўрмасдик. Аммо йиқилиб, яна ўрнидан туришни билган одам энг кучлидир. 1996 йилдан бошлаган ишимиз 2004 йилга келиб, барча мутахассислар, илмий ходимлар орасида, кўплаб мамлакатларда танилиб улгурди. Бу ихтиромиз республикамизнинг деярли барча йирик кўз касалликлари шифохоналарида қўллана бошлади.

Эл саломатлиги йўлидаги интилишларимиз, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги камтарона меҳнатларимиз, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон шон-шуҳратини улуғлашга қўшган ҳиссамиз учун “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирландик.

Қаҳрамонлик тушунчаси ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрлаши мумкин. Кимдир уни жанг майдонидаги жасорат билан боғлайди. Кимдир оғир вазиятда инсон ҳаётини сақлаб қолишда кўради. Кимдир эса йиллар давомида ўз касбига садоқат билан хизмат қилишни қаҳрамонлик деб билади.

Бир шифокор сифатида мен учун қаҳрамонлик — ҳар куни бемор олдига масъулият билан кириш. Олим учун — жавоби ҳали топилмаган савол ортидан йиллар давомида изланиш. Устоз учун — билимларини шогирдларига бериш. Инсон учун эса имкониятидан бошқалар манфаати йўлида фойдаланиш деб биламан.

Бугунги ўзгаришлар, айниқса, тиббиёт соҳасидаги янгиланишларни кўриб, шу касб соҳиби бўлганимдан фахрланаман. Хурсанд бўламан. Бинобарин, ҳозирги шароит билан кечаги ҳолат, бугунги мутахассис билан кечагиси орасида катта фарқ бор. Бу нималарда кўринади? Ушбу саволга жавоб истаган инсонни чекка қишлоқларда барпо этилган тиббиёт муассасалари, ушбу йўналишда ўқиш истагидаги ёшлар учун қурилган замонавий ўқув муассасаларига олиб борган бўлардим.

Шунингдек, энди соҳада таълим, қурилиш, санитария-гигиена, беморлар хавфсизлиги ва ходимлар маданиятини қамраб оладиган “Янги Ўзбекистон тиббиёт стандартлари” жорий этиляпти. Бирламчи бўғинга эътибор янада кучайтириляпти.

Энг яхши шифокор ва ҳамшираларни рағбатлантириш қамрови кенгайтирилади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган энг яхши ўнта лойиҳа муаллифига грантлар ажратилади.

Ҳозир юртимиздаги давлатга тегишли 11 та ОТМда йилига 15 минг шифокор тайёрланмоқда. Бу — жуда катта куч. Яратилаётган шароитлар эса айни шу мутахассислар, бўлажак шифокорларнинг яхши билим олиши ва халқимиз саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Президентимиз Кўксаройдаги мулоқотда **“Мен бир нарсани сўрайман: ҳар бир тиббиёт ходими ўзига савол берсин — бугун инсон саломатлиги учун кечагидан кўра кўпроқ нима қила олдим? Агар ҳар биримиз шу саволга жавоб қидириб ишласак, тиббиётимизда ҳам, халқимизнинг саломатлигида ҳам катта ўзгаришлар бўлади”,** деди. Бу айни ҳақ гап. Зеро, ўз касбини севган инсон сидқидилдан меҳнат қилади. Бошқаларга фойда беради. Меҳнатининг самарасини кўради.

Касбим тақозоси билан айта оламанки, инсон кўзи — оламдаги энг нозик мўъжизалардан бири. Унда бутун дунё акс этади: тонгнинг илк шуъласи, она чеҳраси, фарзанд табассуми, китобдаги ҳарфлар, гулларнинг мафтункорлиги, тоғларнинг улуғворлиги, осмоннинг беқиёс кенглиги...

Кўриш — оддий физиологик жараён эмас. У — ҳаётни ҳис қилиш, инсонлар билан мулоқот ўрнатиш, дунёни англаш, ўз тақдирингизни эркин қуриш имконияти. Шунинг учун кўзга нур бағишлашни ҳаётининг бош мақсадига айлантирган инсонлар ҳақида сўз кетганда, оддий касб ёки лавозим доирасида фикр юритиш камлик қилади. Бундай инсонлар ҳаётида касб — тақдирга, илм — эътиқодга, шифокорлик эса инсонпарварлик фалсафасига айланади.

Қизиқ жиҳат шундаки, кўз билан ишлаган сари инсон қалбини ҳам ўрганишга интиларкансиз. Кейинги йиллардаги катта ўзгаришлар мени руҳлантирди. Қўлимга қалам олиб, китоблар ёзиб, чоп эттирдим. Хусусан, “Тақдир туҳфалари”, “Ҳаёт сабоқлари” номли китобларим нашр қилинди.

Ёшим саксоннинг бўсағасида. Термизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган олийгоҳда талабаларга сабоқ берарканман, китобларимдаги айрим ҳаётий сабоқларни ҳам уларга улашаман.

Аввалроқ ривожланаётган юртга ҳавас қиладиганлар ҳам, ҳасадгўйлар ҳам бўлиши ҳақида сўз бошлагандим. Мавриди келди, айтай, Ўзбекистон бугун жадал ривожланмоқда, ҳар бир кунимиз янги бир хушхабар билан бошланишига ҳам ўрганиб қолдик. Дарвоқе, “ўрганиб қолдик” иборасини бежиз ишлатмаяпман. Ёдингиздами, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимини бажаришга киришган илк кунлар, ойлар... Ўша вақтларда Шавкат Миромоновичнинг ҳар бир чиқишини телевидение орқали бутун вужудимиз кўз-қулоққа айланиб кузатармидик, ҳа, кузатардик. Интиқлик билан кутардик. Бутун халқимиз, ёшу қари бирдек кутардик. Прописка тизими бекор бўлгани, валюта айирбошлашдаги эркинлик, пластик картадаги пулимизни нақдлаштириш муаммоси йўқолгани, қишлоқлардаги чироқ ўчмай қолганида қанчалик қувонганимизни бир эслайлик! Ҳозир буларни деярли эсламаймиз, гўё шунча ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлиб қолгандек.

Буларни яна бир айтишдан мақсадимиз битта. Ҳар бир қувончли кунларни эслаб-эслаб туриш, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш учун ҳам жуда-жуда зарур.

Шундай экан, яна бир айтарим бор: азизларим, шу Ватан бизники, ҳаётимиздаги ўзгаришлар ўзимизники! Ислоҳотларимиз ортга қайтмас тус олди. Энди олдимизда янада катта-катта марралар турибди. Бунинг учун ҳаммамиз Президентимиз Шавкат Мирзиёевга елкадош бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Бу йўлда барчамизга Аллоҳ мададкор бўлсин!

**Президентимиз илгари сурган 2027 йилни “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Саммит шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш таклифи билдирилди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 5 ноябрь, 229-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Халқаро ҳамкорлик

***Жорий йил 29-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари 30 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилотининг Анқара шаҳрида бўлиб ўтган 13-саммитида иштирок этди ҳамда ташкилот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.***



# ТУРКИЙ АСР: ТИЛДА, ФИКРДА ВА ИШДА БИРЛИК

## Бир бўлсак, янада қудратлимиз, ҳамжиҳат бўлсак, янада юксак марраларга эришамиз



**Латофат БЎРИЕВА,**
**Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази илмий ходими**

Бугун Туркий давлатлар ташкилоти Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Туркияни Европа бозори билан боғловчи йирик иқтисодий ҳудудни қамраб олган. 2025 йил якунларига кўра, ТДТ мамлакатларининг жами номинал ялпи ички маҳсулоти қиймати қарийб 2,3 триллион долларни, харид қобилияти паритети бўйича эса 6,2 триллион доллардан ортиқни ташкил этди. Уларнинг умумий ташқи савдо айланмаси 1,2 триллион доллардан ошди.

Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун йирик бозор мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми мавжуд иқтисодий салоҳиятга нисбатан ҳали чекланган даражада қолмоқда. Шу боис, кейинги босқичда асосий эътибор товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт харажатларини камайтириш ва қўшма инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилмоқда.



ТДТ мамлакатлари иқтисодиёти таркибидаги фарқлар бундай ҳамкорликни ривожлантириш учун асос яратади. Туркия машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва кимё саноатида йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлса, Қозоғистон ва Озарбайжон энергетика ресурслари билан бир қаторда металлургия ва нефть-кимё саноатида салмоқли ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда тўқимачилик ва тикувчилик саноати, электротехника, автомобилсозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати ҳамда рангли металлургия ривожланмоқда. Қирғизистоннинг енгил саноат ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятлари умумий ишлаб чиқариш занжирларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундай шароитда ТДТ доирасидаги иқтисодий интеграция самарадорлиги кўпроқ ўзаро савдо ҳажми билан бир қаторда аъзо мамлакатлар корхоналарининг бир-бири билан ишлаб чиқариш занжирлари орқали қай даражада боғланганида кўринади.

Ўзаро савдо ҳажми сезиларли даражада ошганига қарамай, мавжуд имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон ТДТ мамлакатларига экспорт ҳажмини қўшимча 2,7 миллиард долларга ошириш имкониятига эга. Энг катта захира Туркия бозорига тўғри келиб, 1,8 миллиард долларни ташкил этади. Қозоғистоннинг қўшимча экспорт салоҳияти 500 миллион доллар, Венгрияники 200 миллион доллар, Қирғизистонники эса 100 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Шу билан бирга, бозор сиғимининг катталиги экспортни ошириш учун етарли эмас. Экспорт қилувчиларнинг рақобатбардошлигига маҳсулот сифати, стандартларни ўзаро тан олиш, сертификатлаштириш, транспорт харажатлари, етказиб бериш муддатлари ва савдони молиялаштириш имкониятлари бевосита таъсир кўрсатади.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида катта имкониятлар мавжуд. ТДТ мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори умумий ҳажми қарийб 72 миллиард долларга баҳоланмоқда. Ўзбекистон учун мева-сабзавотлар, қайта ишланган озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, мис ва полимерлардан тайёрланган маҳсулотлар истиқболли экспорт йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Қўшимча экспорт салоҳиятининг асосий қисми Туркия ва Қозоғистон бозорларига тўғри келади. Туркия бозори ички талаб ҳажми, шунингдек, Европа ва Ўрта ер денгизи минтақаси бозорларига чиқиш имкониятлари жиҳатидан аҳамиятлидир. Қозоғистон эса географик яқинлиги, умумий транспорт инфратузилмаси ва Марказий Осиёдаги ишлаб чиқариш алоқалари туфайли Ўзбекистон корхоналари учун саноат кооперациясини ривожлантиришда табиий ҳамкордир.

Шундай қилиб, 2,7 миллиард долларлик қўшимча экспорт салоҳиятини рўёбга чиқариш саноат, савдо ва транспорт сиёсатининг умумий вазифасига айланмоқда.

Ўзаро савдо билан бир қаторда ТДТ мамлакатларидан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар оқими ҳам сезиларли даражада ўсди. 2017-2025 йилларда ташкилотга аъзо давлатлардан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 11,5 миллиард доллардан ошди. 2025 йилнинг ўзида 3,8 миллиард долларлик инвестиция жалб қилинди. Туркия 2,4 миллиард долларлик инвестиция ҳажми билан ТДТ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори бўлди. Маблағлар асосан қайта ишлаш саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва логистика соҳаларига йўналтирилди.

2026 йил апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ТДТ мамлакатлари капитали иштирокида 4500 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Бундай корхоналарнинг кўпайиши иқтисодий муносабатларда сифат жиҳатидан ўзгаришлар юз бераётганини кўрсатади. Чунки тўғридан тўғри инвестициялар капитал, технологиялар, иш ўринлари, маҳаллий етказиб берувчилар ва экспорт каналлари орқали мамлакатлар иқтисодиётини савдо операцияларига нисбатан узоқроқ муддатга боғлайди. Шу боис, қўшма саноат лойиҳаларининг кўпайиши ўзаро савдо янада ўсиши учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Масалан, бир мамлакатда ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлар иккинчи мамлакатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиши, кейинчалик эса ушбу маҳсулот учинчи мамлакат бозорига экспорт қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда ўзаро савдо кўрсаткичлари ортида ягона ишлаб чиқариш занжири юзага келади. Туркий давлатлар иқтисодиётининг турли соҳаларга ихтисослашгани айнан шундай ҳамкорлик моделини ривожлантириш учун имконият яратади.

Мазкур амалий ташриф Ўзбекистоннинг Туркия билан ҳамкорлик имкониятларини янада кенгайтирди. Ташриф давомида Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Шунингдек, икки томонлама ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Улар орасида Ижтимоий таъминот тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва уни амалга ошириш бўйича маъмурий келишув, шунингдек, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш бўйича протокол ўрин олди.

Бундан ташқари, ташриф доирасида Президентимиз Туркиянинг етакчи бизнес вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Унда ушбу компанияларнинг Ўзбекистондаги фаолиятига доир режалар ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

> **Бугун Туркий давлатлар ташкилоти Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Туркияни Европа бозори билан боғловчи йирик иқтисодий ҳудудни қамраб олган. 2025 йил якунларига кўра, ТДТ мамлакатларининг жами номинал ялпи ички маҳсулоти қиймати қарийб 2,3 триллион долларни, харид қобилияти паритети бўйича эса 6,2 триллион доллардан ортиқни ташкил этди.**

Сўнгги даврда ТДТнинг иқтисодий ҳамкорлик тизимидаги муҳим институционал ўзгаришлардан бири Туркий инвестиция жамғармасининг амалий фаолиятга ўтиши бўлди.





2025 йилда жамғарманинг устав капитали 500 миллион доллардан 600 миллион долларга оширилди. Ўзбекистоннинг улуши эса 100 миллион долларни ташкил этади. Жамғарманинг иқтисодий аҳамияти унинг ўз капитали ҳажми билан чекланмайди. Ушбу маблағлар асосида бошқа халқаро молия институтларининг ресурсларини жалб қилиш имконияти янада муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

2026 йил 17 июнда Туркий давлатлар ташкилоти инвестиция жамғармаси ва Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси 50 миллион долларгача бўлган қўшма исломий молиялаштириш дастури тўғрисида битим имзолади. Дастур Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистонда маҳаллий молия институтлари орқали кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни назарда тутади.

Жорий йил 1 июлда яна бир молиялаштириш механизми ишга туширилди. Туркий инвестиция жамғармаси Қозоғистондаги KMF Bank банкига 10 миллион долларгача, Европа тикланиш ва тараққиёт банки эса 50 миллион долларгача маблағ ажратиш бўйича битимлар имзолади. Ушбу ресурсларни микро, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш ҳажмини оширишга йўналтириш режалаштирилган.

Ҳар икки мисол янги тенденцияни кўрсатади. Жамғарма ўз маблағларини бевосита тақсимловчи молия институти сифатида фаолият юритиш билан чекланмай, ТДТ ҳудудидаги лойиҳаларга халқаро молиявий ресурсларни жалб қилиш платформаси сифатида ҳам ривожланиши мумкин.

Бундай модель жамғарманинг 600 миллион долларлик ўз капиталидан сезиларли даражада кўп инвестиция ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Ушбу механизм, айниқса, саноат кооперацияси, транспорт, энергетика, рақамли инфратузилма ва кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

ТДТ ҳудудида савдони ривожлантиришга таъсир этувчи муҳим омиллардан яна бири транспорт харажати ва юкларни етказиб бериш муддатларидир. Марказий Осиё мамлакатларининг денгиз портларига тўғридан тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги экспорт рақобатбардошлигида логистика харажатининг аҳамиятини оширади. Шу нуқтаи назардан, Каспий денгизи, Озарбайжон, Грузия ва Туркия орқали Европа бозорига олиб чиқувчи Транскаспий халқаро транспорт йўналиши — Ўрта йўлак ТДТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим инфратузилмавий элементларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон учун ушбу йўналишнинг аҳамияти “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши билан янада ортмоқда. Ушбу темир йўлнинг Каспий йўналиши билан боғланиши Ўзбекистоннинг Хитойни Марказий Осиё орқали Кавказ ва Европа билан боғловчи Шарқ — Ғарб логистика занжиридаги иштирокини кенгайтириши мумкин.

Замонавий транспорт йўлаги автомобиль ва темир йўллар билан чекланмайди. Юк ташиш вақти ва қиймати кўп жиҳатдан чегаралардан ўтиш тартиби, рухсат беришга доир ҳужжатлар, божхона декларациялари, транспорт юк хатлари ва юкларни кузатиш тизимига боғлиқ. Шу сабабли рақамлаштириш ТДТнинг транспорт сиёсатида алоҳида ўрин эгаллайди.

Айни мақсадда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида e-Permit электрон рухсатномалар тизими жорий этилмоқда. ТДТ транспорт вазирларининг 2026 йил 23 апрелда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган 9-йиғилишида e-CMR электрон халқаро товар-транспорт юк хатини жорий этиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Май ойида Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммитда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, e-Permit тизими ТДТга аъзо мамлакатлар билан тўлиқ ишга туширилган. Президентимиз Ўрта йўлакни “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли билан боғлаш, соддалаштирилган божхона йўлагини ривожлантириш, маълумотлар алмашинуви ва юкларни кузатиш жараёнларини рақамлаштиришни таклиф этди.

Ушбу механизмларни ягона тизимга бирлаштириш орқали ТДТ ҳудудида товарларнинг жисмоний ҳаракати билан бир вақтда ҳужжатлар ва маълумотларнинг электрон алмашинувини таъминлайдиган ягона логистика муҳити яратилиши мумкин.

2026 йилда ТДТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир янги йўналиши яққол намоён бўлди. 15 май куни Туркистон шаҳрида “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусида бўлиб ўтган норасмий саммитда рақамли инфратузилма, инновацион технологиялар ва сунъий интеллектдан амалий фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон минтақадаги давлатларнинг маълумотлар марказларини юқори тезликдаги алоқа каналлари орқали боғлашни назарда тутувчи “Рақамли туркий йўлак” концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Шунингдек, сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини ташкил этиш, Тошкентда Технологиялар форумини ўтказиш ва мамлакатлар ўртасида технологик ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

Бу жараёнда транспорт ва рақамли интеграция ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Агар Ўрта йўлак товарлар ҳаракатини таъминласа, “Рақамли туркий йўлак” маълумотлар алмашинувини тезлаштиришга хизмат қилади. Натижада ТДТ ҳудудида инфратузилманинг икки тури — жисмоний ва рақамли инфратузилма параллел равишда ривожланиши мумкин.

Жисмоний инфратузилма автомобиль ва темир йўллар, портлар, логистика марказлари ҳамда божхона инфратузилмасини қамраб олади. Рақамли инфратузилма эса маълумотлар марказлари, телекоммуникация каналлари, булутли ҳисоблаш технологиялари, сунъий интеллект инфратузилмаси ва рақамли хизматларни бирлаштиради.

Ушбу икки инфратузилманинг ўзаро боғланиши электрон савдо, рақамли логистика, молиявий технологиялар (финтех), трансчегаравий хизматлар ва ишлаб чиқаришни рақамли бошқариш имкониятларини кенгайтириши мумкин.

Анқара шаҳрида “Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида бўлиб ўтган саммитда ўзаро савдони кенгайтириш, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш ва ягона транспорт-логистика маконини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари ТДТ доирасида долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш, шунингдек, туркий давлатларнинг ёндашувлари ва саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни соҳавий вазирлар учрашувларидан бошлаш таклиф этилди. Ушбу учрашувлар савдо, транспорт, инвестициялар ва бошқа устувор йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозим.

Технологик ҳамкорлик ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш, жаҳон бозорига биргаликда чиқиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 100 та стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб олувчи “Туркий дунё — 100” дастури ноёб ва стратегик минералларни чуқур қайта ишлаш, “яшил” энергетика учун ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда юқори даромад келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутади. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда Туркий инвестиция жамғармаси ва халқаро молия институтлари ресурсларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича умумий механизмларга эҳтиёж ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти “Тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги кўп томонлама шартномани ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу ҳужжат суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, тегишли ваколатли органлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам сўровлари ва ҳужжатларни электрон шаклда алмашишга мўлжалланган рақамли платформа яратиш таклиф этилди.

Ҳозирги шароитда туркий давлатларнинг транзит имкониятлари тобора катта стратегик аҳамият касб этаётганидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари ТДТ мамлакатларининг халқаро юк ташиш ва логистикадаги иштирокини кенгайтириш учун Ўрта йўлак ва унга туташ транспорт йўлакларини ягона иқтисодий тизимга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатларнинг туризм соҳасидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида “Туркий туризм альянси”ни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Туркий давлатлар фуқароларининг сафарларини енгиллаштириш учун “Фуқароларнинг ўзаро сафарлари тўғрисида”ги кўп томонлама битимни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Унда ID карта асосида сафар қилиш имкониятини кенгайтириш, чегаралардан ўтиш ва қабул қилувчи давлат ҳудудида бўлиш тартибларини соддалаштириш назарда тутилиши лозим.

Президентимиз илгари сурган 2027 йилни “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Саммит шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш таклифи билдирилди.

Бундан ташқари, космик технологиялар илк бор саммит кун тартибидан ўрин олди. Космик саноат соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ТДТнинг биринчи ҳадли конвенцияси имзоланди. Ушбу ҳужжат сунъий йўлдош алоқаси, Ерни масофадан зондлаш ва бошқа космик технологиялар соҳасида кооперацияни ривожлантириш истиқболларини очади.

Саммитнинг асосий натижаси туркий давлатларнинг келгуси йиллардаги сиёсий, иқтисодий, транспорт, ҳарбий-техник ва гуманитар ҳамкорлик йўналишларини белгилаб берувчи Анқара декларациясининг қабул қилиниши бўлди.

Шунингдек, минтақавий энергетика йўлакларини ривожлантириш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётни рақамлаштириш, сунъий интеллект ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш йўналишларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

**Нуқтаи назар**

**Ҳозирда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни жадал кечаётган бир пайтда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, қуйида миллий руҳ ва ҳуқуқий маданият ўртасидаги узвий боғлиқликни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қиламиз.**



# КЛИПЛИ ТАФАККУР

# ёхуд миллий руҳнинг ёшлар таълим ва тарбиясидаги аҳамияти хусусида



**Ҳусан САИДХЎЖАЕВ,**
**Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Қуруқликдаги қўшинлар институти профессори, фалсафа фанлар номзоди**

Миллий руҳ ҳар бир миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиши ва келажакка ишонч билан қарашини таъминлайдиган ички қудрат манбаидир. У ёшларда “Мен жамиятнинг бир қисмиман, Ватаним олдида бурчим бор”, деган муқаддас туйғуни шакллантиради. Миллий руҳ асосида тарбияланган ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, фуқаролик масъулияти, қонунга ҳурмат ва ижтимоий фаоллик каби фазилатлар шаклланади. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалишига, жамият ҳаётида фаол фуқаролик позициясини эгаллашига хизмат қилади.

Ўтмиш мутафаккирлари “миллий руҳ” атамасини айнан ҳозирги замонавий маънода қўлламаган бўлса-да, миллатнинг маънавий қуввати, халқ руҳияти, миллий қадрият ва маънавий бирлик ҳақида муҳим фикрлар билдирган. Жумладан, Абу Наср Форобий инсон ва жамият камолоти маънавий фазилатлар билан боғлиқ эканини таъкидлаб, жамиятнинг ички бирлиги ва умумий ғояси унинг тараққиётини белгилашини қайд этган. Унинг фикрича, фозил жамият аъзоларини бирлаштирувчи маънавий омиллар халқ руҳиятининг асосини ташкил этади.

Абу Райҳон Беруний халқларнинг урф-одати, тили ва маънавияти уларнинг ўзига хослигини белгилашини таъкидлайди. У миллатнинг маънавий дунёси унинг тарихий тараққиёти билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади. Алишер Навоий миллатнинг маънавий қудрати унинг тили, ахлоқи ва маърифати билан белгиланишини таъкидлаган. Ҳазрат асарларида миллат руҳияти, ватанпарварлик ва маънавий комиллик ғоялари етакчи ўрин тутади.

Албатта, миллий руҳ ва ҳуқуқий маданият бирданига шаклланадиган ҳодиса эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, миллий руҳ инсонда она алласи, оқ сут билан шаклланади. Оила муҳити, миллий қадриятлар ва анъанавий тарбия тизими инсон қалбида унинг пойдеворини қарор топтиради. Шу маънода, миллий руҳ инсоннинг ички дунёсига чуқур сингиб борадиган, онги, ҳиссиёти ва ҳаётий қарашларида намоён бўладиган маънавий-руҳий куч сифатида талқин этилади.

Миллий руҳ янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида халқни бирлаштирувчи, ўзликни англашни шакллантирувчи ҳамда жамият тараққиёти учун мустаҳкам маънавий пойдевор вазифасини бажарувчи муҳим ижтимоий-маънавий омил сифатида намоён бўлади. У миллатнинг тили, маданияти, тарихий хотираси, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари мажмуасида мужассам бўлиб, жамиятнинг маънавий барқарорлиги ва ворисийлигини таъминлайди.

Президентимиз 2019 йил 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш маросимидаги сўзлаган нутқида **“Миллий руҳ — бу енгилмас куч. Миллий руҳ кучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдири учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темур каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади”,** деб таъкидлади.

Миллий руҳ шахс ҳуқуқий маданиятининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ҳуқуқий онг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон онги ва қалбида маънавий ўзгариш юз бермас экан, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мушкул. Шу нуқтаи назардан, икки омил ўртасидаги муносабатга ижтимоий-фалсафий ҳамда ҳуқуқий тадқиқотларда муҳим назарий муаммолардан бири сифатида қаралади. Чунки ҳуқуқий онг жамиятнинг ҳуқуқ, қонун, давлат ва адолатга нисбатан муносабатини ифода этса, миллий руҳ миллатнинг маънавий-руҳий дунёси, тарихий хотираси, миллий қадриятлари ва ижтимоий тажрибасини ўзида мужассамлаштиради.

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай ҳуқуқий тизим муайян жамиятнинг маданий ва миллий хусусиятлари билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Француз мутафаккири Шарль Монтескье қонунларнинг мазмуни халқнинг тарихи, урф-одатлари, турмуш тарзи ва миллий хусусиятларига мос бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, қонунлар жамиятнинг “руҳи” билан боғлиқ бўлиб, улар халқнинг яшаш тарзи ва маънавий муҳитидан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бу ғоя миллий руҳ ва ҳуқуқий онг ўртасидаги боғлиқликни илмий жиҳатдан асослашда муҳим назарий манбадир.

Агар жамиятда адолат, инсоф, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва масъулият каби миллий қадриятлар мустаҳкам қарор топган бўлса, фуқаролар қонун талабларини ички эҳтиёж сифатида қабул қила бошлайди. Бу эса ҳуқуқий маданият ривожланишига олиб келади.

Миллий руҳ ва ҳуқуқий онг ўртасидаги боғлиқлик фуқароларнинг ҳуқуққа, яъни давлатга ишончида ҳам яққол намоён бўлади. Жамиятнинг миллий манфаатлари, қадриятлари ва маънавий эҳтиёжларига мос ҳуқуқий тизим аҳоли томонидан ижобий қабул қилинади. Аксинча, миллий муҳитга бегона ҳуқуқий механизмлар ҳуқуқий нигилизм, қонунларга ишончсизлик ва ижтимоий бефарқликни келтириб чиқариши мумкин. Шу жиҳатдан ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда миллий хусусиятлар ва жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим.

Ҳозирги ёшлар қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, улар анъанавий қоидалар ва меъёрларни рад этишга мойил. Чунки уларнинг онги ва дунёқарашига замонавий технологиялар, интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар жадал таъсир кўрсатади. Улар орасида клипли фикрлаш усули устун бўлиб, бу маълумотни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини чеклайди. Ёшларнинг фаол позицияси кўпинча сиёсий нигилизм билан уйғунлашади. Бу эса жамият барқарорлигини бузиш ва миллий қадриятлар камситилишига олиб келиши мумкин. Шундай экан, оила ва маҳалла институти таъсирини янада кучайтириш зарур. Чунки миллий руҳ тушунчасини англаш дастлаб оиладан бошланади. Болаликдан оилада сингдириладиган одоб-ахлоқ, ҳалоллик ва адолат тушунчалари кейинчалик ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Маҳалла эса жамоатчилик назоратини таъминлаш ва миллий қадриятларни ёшлар онгига етказувчи муҳим кўприк вазифасини ўтайди.

Бунда таълим ва тарбиянинг узвийлиги ҳам муҳим. Узлуксиз таълим тизимида — мактаб, академик лицей ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитишда фақат назарий билимлар билан чекланиб қолмай, миллий-тарихий меросимиз, буюк алломаларимизнинг адолат ва ҳуқуқ ҳақидаги илғор қарашларини кенг тарғиб қилиш лозим.

Миллий руҳ тарбияси ёшларда ҳуқуқларини билиш билан бирга бурчларини бажариш масъулиятини ҳам кучайтиради. Ҳуқуқий маданиятли инсон фақатгина ўз манфаатларини ҳимоя қилмай, балки жамият ва давлат олдидаги конституциявий бурчларини ҳам виждонан бажаради.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва миллий руҳни уларнинг онгига сингдириш учун эса интерактив муҳокамалар, тренинглар ва амалий кейсларни қўллаш яхши самара беради.



Замонавий глобаллашув ва рақамлашув жараёнлари бу борадаги муносабатларга янгича таъсир кўрсатмоқда. Миллий қадриятлар трансформациясига сабаб бўлмоқда. Натижада ҳуқуқий онгда фрагментация, яъни турли қарама-қарши ҳуқуқий ва маънавий таъсирлар кучайиши кузатилмоқда. Бундай шароитда миллий руҳ ҳуқуқий онгни маънавий жиҳатдан муҳофаза қилувчи муҳим омилга айланади.

Бугунги кунда, айниқса, ёшлар рақамли ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланиб улгурди. Натижада уларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурида ҳам янги хусусиятлар шаклланмоқда. Жумладан, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш, онлайн таълим платформалари, ижтимоий тармоқлардаги ҳуқуқий ахборотлар ҳамда рақамли мулоқот муҳити ёшларда ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий масъулиятнинг янги кўринишларини юзага чиқаряпти. Шу билан бирга, кибержиноятчилик, фейк ахборотлар, шахсий маълумотлар тарқалиши каби хавфлар рақамли ҳуқуқий маданиятни юксалтириш заруратини кучайтирмоқда.

Рақамли трансформация шароитида ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш фақат анъанавий ҳуқуқий тарбия билан чекланиб қолмайди. Рақамли ҳуқуқий саводхонлик, ахборот маданияти ва кибержавфсизлик кўникмаларини ривожлантириш талаб этилади.

Илмий нуқтаи назардан, рақамли ҳуқуқий тафаккурга рақамли маданиятнинг ҳуқуқий компоненти сифатида ҳам қаралади. Чунки рақамли маданият шахснинг умумий рақамли компетенцияларини қамраб олса, рақамли ҳуқуқий тафаккур ҳуқуқий жиҳатдан фикрлашини мустаҳкамлайди.




Ўтказилаётган барча тарбиявий ишлар расмиятчиликдан холи бўлиб, ёшлар қалбига етиб борадиган, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган руҳда ташкил этилиши лозим.

Ёшлар кўп вақтини ўтказадиган рақамли маконларда миллий руҳни, юксак ҳуқуқий маданиятни ва ватанпарварликни тарғиб қилувчи сифатли контентларни кўпайтириш бугунги куннинг долзарб талабидир.

Шулардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, “Миллий руҳ — ёшлар ҳуқуқий маданиятининг маънавий пойдевори” ғояси нафақат назарий, балки катта амалий аҳамиятга эга. Ёшларда миллий руҳ ва соғлом ҳуқуқий онг уйғун равишда шакллангандагина ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадларга эришиш мумкин.

Ҳозирги даврда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда асрлар давомида сайқалланиб келган миллий тарбия тизими ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниш муҳим методологик аҳамият касб этади. Айни пайтда мазкур қадриятларни замонавий тараққиёт ва умуминсоний ютуқлар билан илмий асосда уйғунлаштириш ҳам долзарб.

Шу нуқтаи назардан, узлуксиз таълим тизимида вояга етмаганларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, демократик қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат, фуқаролик масъулияти ҳамда миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ва босқичма-босқич ёндашувни изчил амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Кучли маънавий илдиз ва пухта ҳуқуқий билимга эга ёшларгина миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

EL-YURT UMIDI JAMG‘ARMASI

**Бобур Тўраевнинг болалик йиллари онаси Мукамбар Муҳаммедова фаолият юритган тиббиёт олийгоҳи муҳитида кечди. У онасига ҳамроҳ бўлиб, ОТМга тез-тез борар, оқ халатли талабаларни кузатарди. Бу муҳит унда шифокорлик касбига меҳр ва қизиқиш уйғотиб, келажакда шу касб эгаси бўлиш орзусининг шаклланишига замин ҳозирлади.**



**Камолот пиллапоясида**

имкониятига эга бўлмоқда. Илмий таълимнинг амалий тиббиёт билан уйғунлашуви жамият учун ана шундай аниқ натижалар беради.

Лондонда қолиб ишлаш ва таҳсилни давом эттириш ҳақидаги таклифларга қарамай, Бобур уйга қайтишни афзал билди. Тўғри, хорижда яхши маош олиш, муносиб турмуш кечириш имконияти бор, аммо инсон учун ўзи ўсган муҳитда, ота-онаси, оиласи ва дўстлари бағрида яшашдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

— Ривожланган давлатларда кўплаб тизимлар алақачон шаклланган ва ўз маромида ишлайди, — дейди Бобур Тўраев. — Сиз ана шу тизимнинг бир қисми сифатида фаолият юритасиз. Ўзбекистонда эса кўплаб соҳалар, жумладан, тиббиёт ҳам ривожланиш ва янги тизимларни шакллантириш босқичида. Бундай шароитда ўз билим ва тажрибангизни ишга солиб, муайян йўналишни ривожлантиришга ҳисса қўшишингиз мумкин. Ватанимизда мен каби ёшларга кўпроқ эҳтиёж борлигини англадим. Юртга қайтиш борасидаги қароримга энг кўп таъсир қилган омиллардан бири шу бўлди. Қолаверса, давлат ёшларнинг хорижда таълим олиши учун сармоя киритяпти. Бу бизга билдирилган ишонч ва зиммамиздаги масъулиятдир. Шунинг учун олган билимимизни элимиз саломатлиги, юртимиз тараққиётига йўналтиришимиз шарт.

Ўзбекистонда болалар кардиохирургиясини ривожлантириш, айниқса, кичик ёшдаги болалар ва чақалоқларда мураккаб операцияларни йўлга қўйиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Масалан, илгари Эбштейн аномалияси — юракнинг

# “ЮРТГА КЕРАКЛИГИМНИ АНГЛАДИМ”

Кун келиб, орзулар амалга ошди. У тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Талабалик йилларида жарроҳликнинг турли йўналишларини ўрганди, амалиётларни кузатди. Илк бор юракда ўтказилган операцияда иштирок этаркан, бўлажак шифокор ниҳоят ўз йўналишини топганини англади.

Ўша пайтларда кардиохирургия бўлимида нисбатан енгил операциялар — болалардаги айрим туғма юрак нуқсонларини бартараф этиш амалиёти бажариларди. Аслида эса туғма юрак нуқсонларининг тури кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Айрим мураккаб операцияларни мамлакатимизда амалга ошириш имконияти чекланган эди. Айниқса, туғилиши биланоқ жарроҳлик амалиётига эҳтиёжи бўлган чақалоқларнинг тақдири Бобурни қаттиқ ўйлантирар, “Қачон бизда ҳам ана шундай мураккаб операциялар бажарилади? Нега беморларимизни даволатиш учун хорижга олиб боришга мажбур бўлишимиз керак?” деган саволлар қаршисида ожиз эди. Молиявий имконияти бор оилалар фарзандини ривожланган мамлакатларда даволатиши мумкин, аммо туғилиши билан операция қилиниши керак бўлган чақалоқларни чет элга олиб чиқишга ҳар доим ҳам улгуриб бўлмасди. Ахир, йўл, ҳужжатлар, авиачипта ва бошқа ташкилий масалалар вақт талаб қилади. Бу орада боланинг соғлиғи ёмонлашиши мумкин.

2018 йили Бобур “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати бўлди. Магистратура босқичини Буюк Британиядаги нуфузли университетлардан бирида давом эттирди. Хорижда ўқишнинг афзалликларидан бири фақат билим олиш ёки янги касбий кўникмаларни ўзлаштириш билан чекланмайди. У инсоннинг дунёқарашини ҳам сезиларли даражада ўзгартиради.

— Лондонга борганимда инглиз тилини яхши биламан деб ўйлардим, — дейди Бобур. — Аммо чет тилини имтиҳон даражасида билиш билан инглиз тилида сўзлашувчи аҳоли нутқини тўлиқ тушуниш ўртасида фарқ бор экан. Айниқса, дастлабки пайтларда маърузаларни тушуниш, мутахассисликка оид атамаларни англаш ва мавзуга тез мослашишда қийналдим. Яна бир хавотирим бор эди. Ўзбекистонда бакалавриатни тамомлаб борганман, курсдошларимнинг кўпи эса Буюк Британия ёки Европанинг бошқа мамлакатларида таҳсил олган. Шунинг учун дастлаб уларнинг тиббиётга оид билими меникидан анча юқори бўлса керак деб ўйладим. Бирга ўқиб, суҳбатлашиб Ўзбекистондаги таълим сифати ҳам, билимим ҳам уларникидан кам эмаслигини англадим.

Ҳа, баъзан инсонни чеклайдиган жиҳат билимнинг ўзи эмас, балки ўз имкониятларига нисбатан шаклланган нотўғри тасаввур бўлади. Дастлабки мослашув даври қийин кечган бўлса-да, Бобур кейинги босқичларда барча фанни яхши баҳолар билан ўзлаштирди. Илмий тадқиқот билан шуғулланиш, статистик таҳлил қилиш ва диссертация ёзиш жараёнида кўп нарсаларни ўрганди.

Иқтидорли йигит хорижда замонавий технологиялар асосида каминвазив амалиёт бўйича илмий тадқиқотлар ўтказди. Буюк Британия, Германия, Япония, Австралия, Хитой, АҚШда стажировкада бўлди. Тиббиётнинг энг илғор усулларини ўрганди.

Бобур хориждаги вақтининг катта қисмини болалар кардиохирургиясини амалий ўрганишга бағишлади. Хусусан, мураккаб операцияларни бажариш, чақалоқларни жарроҳликка тайёрлаш, операциядан кейинги даврни бошқариш ва беморларни кузатиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратди. У тиббиётнинг илғор усулларини ўрганиб, юртимизда амалиётга татбиқ этди. Илгари бажариш имконияти бўлмаган айрим мураккаб операцияларни йўлга қўйишга эришди. Натижада бундай даволанишга муҳтож болаларнинг хорижга боришига зарурат камайди. Улар ўз юртида, яқинлари бағрида малакали тиббий ёрдам олиш уч табақали клапанида учрайдиган туғма нуқсон мавжуд бўлганида жарроҳлик амалиёти бажарилмасди. Ушбу амалиёт Ўзбекистонда илк бор йўлга қўйилишида Бобурнинг ҳиссаси катта. Шу кунгача юртимизда ўтказилган ушбу турдаги 30 га яқин операцияга у бош-қош бўлди. Бундан ташқари, юрак бўлмачаларидан фойдаланиб, клапанни қайта тиклаш усуллари, Фонтан ва Растелли операцияларини йўлга қўйишда фаоллик кўрсатди.

Энг муҳим натижа эса мураккаб юрак нуқсони билан туғилган болаларни юртимизда даволаш имконияти кенгайганидир. Илгари хорижга чиқишга мажбур бўлган кўплаб беморлар бугун Ўзбекистоннинг ўзида операция қилинмоқда.

Бобурнинг меҳнатлари эътироф этилиб, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Шунингдек, “Инсон фахри” миллий мукофоти совриндори бўлди. Бу эътирофлар қилаётган ишлари қадрланаётганидан далолат беради.

— Эришилган натижалар билан чекланиб қолиш ниятимиз йўқ, — дейди Бобур Тўраев. — Ҳали Ўзбекистонда йўлга қўйишимиз керак бўлган жарроҳлик амалиёти турлари кўп. Мураккаб амалиётларни бажаришни ўзлаштирганимиз билан иш битмайди. Операциядан кейинги ўлим ҳолатлари ва асоратлар даражасини янада камайтириш зарур. Бу борада ривожланган давлатлар натижаларига етиш учун жамоамиз билан изланишда давом этамиз.

Илгари тиббиётда, айниқса, жарроҳлик соҳасида ёш мутахассисларга мустақил ишлаш, ўз имкониятларини намоён этиш учун йўл бериш осон бўлмаган. Айрим ҳолларда ёш жарроҳлар узоқ йиллар фақат ассистент сифатида ишлаган, аммо уларга мустақил операция бажариш имконияти берилмагани сир эмас.

Албатта, жарроҳликда тажриба ва устоз-шогирд анъанаси ниҳоятда муҳим. Аммо ёш мутахассисга ишонч билдириш, унинг салоҳиятини тўғри баҳолаш ва масъулиятли вазифаларга босқичма-босқич жалб этиш ҳам зарур. Акс ҳолда, соҳа ривожи секинлашади.

— Ривожланиш ҳар доим янги ихтиро дегани эмас, — дейди Бобур Тўраев. — Тараққий этган давлатларда самара бераётган ёндашувларни ўрганиб, уларни юртимиз шароитига мослаштириб жорий этишнинг ўзи ҳам катта натижа бериши мумкин. Мен кўплаб хорижда таълим олган ёш мутахассисларни танийман. Улар турли соҳаларда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Албатта, ҳали ҳам эскича бошқарув усулларини сақлаб қолишга интилиш ҳолатлари учрайди. Лекин аввалги даврларга нисбатан ёшларга имконият берилаётгани, салоҳиятини намоён этишига шароит яратилаётгани қувонарли.

Хорижда таълим олиш катта имконият, аммо унинг моҳияти фақат диплом олишда эмас. Асосий мақсад — янги билим ва тажрибани ўзлаштириб, уни амалиётда қўллаш, жамиятга наф келтириш.

— “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали таълим олаётган ёшлар зиммасида ҳам катта масъулият бор, — дейди Бобур. — Давлат бизга ишонч билдириб, билим олишимиз учун шароит яратмоқда. Биз эса ана шу ишончни оқлаб, юртимиз ривожига ҳисса қўшишимиз керак. Мен ҳам ўз соҳамда ҳали кўп ишларни амалга оширишни мақсад қилганман. Ўзбекистонда болалар кардиохирургиясини янада ривожлантириш, мураккаб операцияларни йўлга қўйиш, даволаш натижаларини яхшилаш ва малакали мутахассислар авлодини тайёрлаш — олдимда турган асосий вазифалардир.

Инсон ҳаётини асраш, яшаш ҳуқуқини таъминлашдек шарафли ишга бел боғлаган Бобур Тўраев каби ёшлар кўплаб дардларга малҳам, оилаларга бутунлик бериши, бир авлодни келажакка ва миллатни тараққиётга етаклаши шубҳасиз.

**Рисолат МАДИЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

2026 йил 5 ноябрь, 229-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

PREZIDENT OLIMPIADASI

Мулоҳаза

**Қадимда жанг майдонларида бир қоида бўлган: байроқ ҳилпираб турган экан, қўшиннинг руҳи синмаган. Байроқни қўриқлаш учун жон тикканлар, уни ерга туширмаслик учун сафдошларини йўқотиб бўлса-да, олға интилганлар ҳақида кўплаб афсоналар сақланиб қолган. Чунки байроқ оддий мато эмас. У қўшиннинг бирлиги, халқнинг ғурури, ғалабага ишонч ва ортга чекиниш мумкин бўлмаган муқаддас бурч рамзи эди. Байроқ тик турган жойда одамлар ўзини ёлғиз ҳис қилмас, атрофида бирлашар, кучи тугаганида ҳам ундан мадад оларди.**

# “ЎЗ” ИШОНЧИДАН БОШЛАНГАН ҒАЛАБАЛАР



**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Замонлар ўзгарди, жанг майдонлари ҳам. Бугун халқларнинг куч-қудрати илм-фан, технология, иқтисодиёт, маданият ва спортдаги ютуқлар билан ҳам ўлчанади. Аммо байроқнинг маъноси ўзгаргани йўқ, аксинча, унинг қадри янги мазмун билан бойиди. Энди у халқаро мусобақалар шоҳсупасида кўтарилганда, минглаб километр узоқликда Ўзбекистон мадҳияси янграганда, биргина спортчининг ғалабаси бутун халқнинг қувончига айланади. Шу лаҳзаларда байроқ давлатимиз шаъни билан бирга унинг ортида турган миллионлаб инсонларнинг орзу-умидлари, меҳнати ва ишончини ҳам ўзида мужассам этади.

Яқинда бўлиб ўтган Параосиё ўйинларини кўпчилигимиз ойнаи жаҳон орқали кузатиб бордик. Юртдошларимиз ғалабага эришган лаҳзаларда экран қаршисида қувондик, ютуқларини ўзимизникидек қабул қилдик. Айниқса, Хуршид Қодировнинг 100 метрга югуриш баҳсларида Осиё рекордини янгилаб, олтин медални қўлга киритиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ижтимоий тармоқларда унинг ғалабасига бағишланган табриклар, самимий тилаклар ёғилди. Бир неча сонияли пойга якунидаги бу ғалаба томошабинларга фақат қувонч улашиб қолмай, инсон имкониятлари ҳақида ҳам ўйлашга ундади. Ахир финиш чизиғига биринчи бўлиб етиб келишдан олдин қанча машғулот, қанча сабр ва ўзини енгишга тўғри келган лаҳзалар бор. Бировнинг “Қўлингдан келмайди”, деган гапи орзуга нуқта қўймаслиги керак. Хуршиднинг натижаси мақсадга ишонч ва изчил меҳнат билан интилиш қандай самара беришини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг II Президент олимпиадаси очилиш маросимида ёшларга қарата айтган “Ўзингга ишон! Ўз устингда ишла! Ўз юртингга муносиб бўл!” деган даъватида ҳам шу ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бу уч чақириқ инсон камолотининг ўзаро боғлиқ босқичларини ифодалайди: аввало, ўз имкониятига ишониш, кейин меҳнат билан салоҳиятини ривожлантириш ва ниҳоят, эришган натижасини юрт равнақига хизмат қилдириш. Бу сўзлар спортчига ҳам, илм олаётган ёшга ҳам, ўз касбини пухта эгаллашга интилаётган мутахассисга ҳам бирдек тегишли.

Ўзига ишониш ҳамма нарса осон кечади дегани эмас. Аксинча, бу қийинчиликка дуч келганда ҳам мақсаддан воз кечмаслик, хатоларни тан олиш ва яна уриниб кўришга куч топишдир. Спортда буни ҳар куни кўриш мумкин: машғулотда белгиланган натижага эриша олмаган спортчи эртасига яна майдонга чиқади. У мағлубиятдан қочиш эмас, хатосидан сабоқ чиқариш ва кечагидан яхшироқ натижа кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Чунки чемпионлик фақат шоҳсупада қўлга киритилмайди. У интизом, сабр ва ҳар куни такрорланадиган машқлар давомида шаклланади. Бугун оддий кўринган бир соатлик машғулот эртага рекорд натижага йўл очиши мумкин. Шунинг учун “Ўзингга ишон!” деган чақириқ, аввало, инсоннинг ўз олдига мақсад қўйиши ва унга эришиш учун масъулиятни зиммасига олишини англатади. Бу интилишнинг натижаларини мамлакатимиз спорти мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги ўн йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 5518 та, жумладан, 1675 та олтин медаль қўлга киритди. Бу аввалги ўн йилликдаги кўрсаткичдан уч баробар кўп. Рақамлар спортимиздаги ўсишни яққол кўрсатади. Уларнинг ортида фақат ғолиблар маҳорати эмас, мураббийлар фидойилиги, ота-оналарнинг қўллаб-қувватлаши, спортчиларнинг машаққатли тайёргарлиги ва уларни етиштиришга қаратилган тизимли ишлар ҳам бор. Ҳар бир медаль ортида кўпчилик кўрмайдиган машаққат, енгиб ўтилган тўсиқлар ва узоқ кутилган натижага ишонч ётади.

Шу билан бирга, эришилган натижаларни янада ошириш учун янги истеъдодларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга зарур шароит яратиш муҳим. Қишлоқда яшайдиган, югуришга ёки курашга қобилияти бор болани тасаввур қилайлик. Унинг тезлиги, чаққонлиги ёки жисмоний имкониятлари тенгдошларидан ажралиб туриши мумкин. Аммо яқинида спорт зали бўлмаса, малакали мураббий топилмаса ёки мунтазам шуғулланиш имкони бўлмаса, иқтидори очилмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Боланинг хоҳиши ва қобилияти муҳим, лекин уларни ривожлантиришга имкон берадиган муҳит ҳам зарур. Демак, спортни оммалаштиришнинг муҳим вазифаси фақат чемпионларни тайёрлашдан иборат эмас. Ҳар бир иқтидорли ёшга ўзини синаб кўриш, қобилиятини намоён этиш ва юқори натижаларга интилиш имконини бериш ҳам шунчалик аҳамиятли.

Президент олимпиадаси ана шу йўлда муҳим босқич вазифасини ўтайди. Бу йилги мусобақада 3,5 мингдан зиёд спортчи олимпия ва паралимпия йўналишидаги 26 спорт тури бўйича беллашмоқда, уларга 1,5 минг мураббий ҳамроҳлик қилмоқда. Бундай мусобақалар ёшларга ўз кучини рақобат муҳитида синаш, тажриба орттириш ва камчиликларини аниқлаш имконини беради. Мусобақа майдонига чиққан ҳар бир иштирокчи ғалаба учун курашар экан, тайёргарлиги, иродаси ва интизомини ҳам синовдан ўтказади. Ғолиблар муносиб рағбатлантирилади, бошқа иштирокчилар эса кейинги тайёргарлик учун зарур хулосалар чиқаради. Энг муҳими, бу жараён иқтидорларни саралаш, уларни мунтазам кузатиб бориш ва юқори даражадаги мусобақаларга тайёрлаш тизимининг бир қисмига айланиши керак.



Бу мақсадда Олимпия шаҳарчаси барпо этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Замонавий спорт мажмуасининг қиймати унинг қанча майдон ёки иншоотдан иборатлиги эмас, балки улардан қандай натижа олинаётгани билан белгиланади. Агар бу ерда ёшлар мунтазам шуғулланса, мураббийлар ўз тажрибасини оширса, спортчилар халқаро талаблар даражасида тайёргарлик кўрса, шаҳарча мамлакат спорт салоҳиятини ривожлантирувчи муҳим масканга айланади. Бунинг учун замонавий жиҳозларни ўрнатиш билан бирга улардан самарали фойдаланиш, малакали



мутахассисларни жалб қилиш ва ёшларнинг машғулотларини тизимли ташкил этиш зарур. Бугун яратилаётган имкониятлар эртанги чемпионларнинг камол топишига хизмат қилсагина, ўзининг тўлиқ қийматини намоён этади.

Ўзбекистоннинг халқаро мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятлари кенгайиб бораётгани спорт ривожидаги муҳим йўналишлардан биридир. Тўрт йил ичида мамлакатимизда жаҳон ва Осиё миқёсидаги 20 га яқин мусобақа ўтказилди. 2027 йил 17 сентябрдан 9 октябрга қадар Ўзбекистон ва Озарбайжонда FIFA U-20 жаҳон чемпионати ўтказилиши режалаштирилган. Йирик мусобақаларни қабул қилиш юртимизнинг ташкилий салоҳиятини намоён этиш, спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро тажриба орттириш учун катта имконият яратади. Бундай тадбирлар меҳмон спортчилар, мураббийлар ва мухлисларга мамлакатимизни яқиндан таниш имконини ҳам беради. Бироқ мезбонликнинг энг катта самараси мусобақа якунланганидан кейин билинади: орттирилган тажриба маҳаллий спортчиларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва ёшлар учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилиши лозим.

Параспортчиларимизнинг натижалари ҳам спортда имконият ва қўллаб-қувватлаш қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Улар Параосиё ўйинларида 45 та олтин, 49 та кумуш ва 51 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Бу ютуқлар спортчиларнинг маҳорати ва қатъияти билан бирга уларни тайёрлаш учун яратилган шароитларнинг аҳамиятини ҳам намоён этади. Хуршид Қодировнинг рекорд натижаси каби бу ғалабалар ҳам инсон имкониятларига олдиндан чегара қўйиш мумкин эмаслигини эслатади. Ҳар бир спортчининг ўз орзуси, ўз мақсади ва ўз имконияти бор. Вазифа шу имкониятни тўғри баҳолаш, уни ривожлантириш учун шароит яратиш ва спортчининг мустақил ҳаётда ҳам ўз ўрнини топишига кўмаклашишдан иборат.

Президент олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари учун белгиланган рағбатлар, халқаро ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиш имкониятлари, стипендиялар ва спорт мактабларини жиҳозлаш чоралари ҳам узоқ муддатли натижаларга йўналтирилиши зарур. Бир мусобақадаги ғалаба спортчининг келгуси муваффақиятини кафолатламайди. Бунинг учун мунтазам тайёргарлик, малакали мураббийлик, тикланиш ва таълим олиш учун шароит керак. Спортчи бугун ғалаба қозониб, эртага янада кучли рақибларга дуч келиши мумкин. Шу боис, унинг ривожланишига узлуксиз эътибор қаратиш, жисмоний тайёргарлиги билан бирга билим ва ҳаётий кўникмаларини ҳам мустаҳкамлаш муҳим. Ёшлар спортда юқори натижаларга эришиш асносида мустақил фикрлайдиган, интизомли ва масъулиятли инсон бўлиб шаклланиши лозим.

“Ўз юртингга муносиб бўл!” деган чақириқнинг мазмуни ҳам айнан шу ерда намоён бўлади. Юртга муносиблик фақат халқаро мусобақада ғолиб чиқиш ёки шоҳсупада байроқни кўтариш билангина чекланмайди. У ҳалол рақобатда, рақибга ҳурматда, мағлубиятдан тўғри хулоса чиқаришда ва ўз вазифасини виждонан бажаришда ҳам кўринади. Спортчи учун бу — маҳорати ва интизоми билан юрт номини муносиб ҳимоя қилиш. Мураббий учун — шогирдларининг иқтидорини очиш ва уларни тўғри йўналтириш. Жамият учун эса ёшларнинг қобилиятини қадрлаш, уларга ишонч билдириш ва камол топиши учун зарур шароитларни яратишдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзингга ишон! Ўз устингда ишла! Ўз юртингга муносиб бўл!” деган даъвати фақат спорт майдонига тегишли эмас. У ҳар бир инсонга ўз қобилиятини англаш, уни меҳнат билан ривожлантириш ва эришган натижасини жамият манфаатига йўналтириш масъулиятини эслатади. Юрт салоҳияти спортчилар қўлга киритган медаллар, замонавий мажмуалар ёки ўтказилган мусобақалар билангина белгиланмайди. У ёшларга берилган имкониятлар, кашф этилган истеъдодлар ва уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун яратилган шароитларда ҳам намоён бўлади. Бугун ўз кучига ишонган, мақсади сари қатъият билан интилаётган ҳар бир ёш эртанги куннинг муносиб вакилидир. Ана шундай авлод камол топар экан, байроғимиз яна кўп бор шоҳсупаларда баланд кўтарилади, юртимизнинг шуҳрати янги ғалабалар билан бойиб боради.

Параспортдаги ютуқлар ҳақида сўз борганда, масаланинг яна бир муҳим жиҳати — инсон қадри, унинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратилаётган шароитларга эътибор қаратиш лозим. Зеро, параспорт инсоннинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, иродасини тоблайдиган, ҳаётга интилишини кучайтирадиган катта имкониятлар мактабидир.

Параенгил атлетика бўйича терма жамоа бош мураббийи Сардор Абдухолиқов соҳадаги ўзгаришлар, спортчилар учун яратилган имкониятлар ва уларнинг натижаларга таъсири ҳақида сўз юритар экан, бугунги ютуқлар замирида Президентимиз эътибори, тизимли тайёргарлик ҳамда спортчилар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилган шароитлар турганини таъкидлади.

Унинг айтишича, терма жамоа спортчиларининг қарийб 90 фоизини вилоятлардан етишиб чиққан спортчилар ташкил этади. Уларни йил давомида мунтазам ўқув-машғулот йиғинларига жалб этиш, тайёргарлик жараёнини узлуксиз ташкил қилиш катта имкониятдир. Масалан, Осиё ўйинларига 20 кун қолганда 60 нафар спортчидан иборат таркибнинг Японияга ўқув-машғулот йиғинига юборилиши тайёргарлик жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Бунинг самараси ўлароқ, спортчилар 145 та медални қўлга киритди. Мураббийнинг таъкидлашича, йилдан йилга яратилаётган шароитлар яхшиланиб, натижалар ҳам шунга мос равишда ўсиб бормоқда.

Мураббий параспортчиларни саралаш жараёнидаги ўзгаришларга тўхталар экан, илгари иқтидорли ёшларни аниқлаш учун мураббийларнинг ўзи чекка қишлоқ ва туманларга бориб, хонадонма-хонадон юрганини эслади. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида ҳам изланишлар тўхтамасди. Бугун эса вазият анча ўзгарган. Энг қувонарлиси, ота-оналарнинг ўзи фарзандини спортга олиб келмоқда. Улар болаларининг имкониятларига ишониб, келажагини спорт билан боғлашга интилмоқда.

Бу ўзгаришнинг ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки илгари иқтидорли болаларни излаб топиш учун мураббийлар чекка ҳудудларга борган бўлса, бугун ота-оналарнинг ўзи фарзандини спортга етаклаб келмоқда. Демак, параспортга бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Энг муҳими, оилалар фарзандларининг жисмоний имкониятларини тўсиқ эмас, тўғри йўналтириш ва меҳнат орқали ривожлантириш мумкин бўлган салоҳият сифатида қабул қилмоқда.

Аслида, инсон қадрини улуғлашнинг моҳияти ҳам шунда: ҳар бир инсоннинг қобилиятини кўриш, унинг орзу ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиш. Имконияти чекланган инсонга фақат ижтимоий ёрдам олувчи шахс сифатида қараш эмас, унинг истеъдоди, меҳнати ва мустақил ҳаётга интилишини қадрлаш муҳим. Параспорт эса ана шу қарашларни ҳаётга татбиқ этишнинг ёрқин намунасидир.

Шу маънода, бугун спортга жалб этилаётган ҳар бир ёш, мураббийлар томонидан кашф этилаётган ҳар бир истеъдод, ота-оналарда шаклланаётган ишонч спортдаги келгуси ғалабаларнинг пойдеворини яратмоқда. Бу жараённинг натижаси фақат шоҳсупадаги медаллар билан ўлчанмайди. Спорт орқали ўз кучига ишонган, мустақилликка интилган, жамиятда ўз ўрнини топган инсоннинг ҳаётидаги ижобий ўзгариш ҳам улкан ютуқдир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:47 Топширилди — 00:10